iy nuqtayi nazardan janubi-sharqiy rayonlar guruhiga kiradi. O'zbekiston Respublikasi bo'yicha vegetatsiya davrining gidrometrik tavsifi bo'yicha musbat haroratlarning yig'indisi 4000⁰-4400⁰ dan 4400⁰-4900⁰ gacha yetadi, namgarchilik qurg'oqchil, 0,30-0,50% ni tashkil etadi. Irrigatsiya to'ri uncha qalin emas, podrayonning shimolidan Shahrixonsoy, janub va janubi-sharqidan F.Shamsuddinov nomidagi janubiy Farg'ona kanali oqib o'tadi, Shahrixonsoy o'zanida Asaka adir suv ombori qurilgan bo'lib, mahalliy ahamiyatga ega. Undan tashqari o'nlab anhor va mahalliy ariqlari mavjud. Bu suv inshootlari aholining suvga bo'lgan ehtiyojini qondirishga, qishloq xo'jalik yerlarini sug'orishga va ko'plab sanoat ishlab chiqarish korxonalarini suv bilan ta'minlashga xizmat qiladi. Hududning meliorativ holatini yaxshilash uchun ko'plab yopiq va ochiq drenajlar qilingan bo'lib, zax suvlarni doimiy ravishda chiqarib turadi. Yer osti suvlarining mineralizatsiya darajasi Marhamat va Asaka tumanlarida 1 litr suvda 3-10 grammni tashkil etsa, Buloqboshida 1 grammga yetadi.

Geobotanik rayonlashtirish nuqtayi nazaridan Farg'ona podprovinsiyasi, Farg'ona okrugi o'simliklari o'sadi, jumladan, vohalarning madaniy o'simliklari, efemer-efemeroid chala-cho'l o'simliklari, tog'oldi va past tog'larning o'tlari hamda shuvoqli chala cho'l o'simliklarini uchratish mumkin. Asaka tumani Asaka adirlarida, Marhamat tumanining Rovot qishlog'i atrofidagi adirliklarda efemer va efemeroid chala cho'llar o'simliklari o'sadi, Marhamatning janubida Qora-Chotir tog'larining shimolidagi Uluu - tolarning Marhamat tumani qismida tog'oldi va past tog'larning bo'liq o'tlari va shuvoqli chala cho'l o'simliklari o'ssa, Buloqboshi tog'larida o'rmon xo'jaligida keng bargli daraxtlar va butalar o'sadi, podrayonning qolgan qismlarida voha madaniy o'simliklari tarqalgan. O'simliklar orasida eng ommabopi yovvoyi holda o'sadigan dorivor o'simliklardan dag'al qizilpoycha, supurgisimon shuvoq, tubulg'a bargli dastorbosh, oddiy tuyatovon kabi o'simliklar uchraydi. Hayvonot dunyosi ham boshqa podrayonlardan oz bo'lsa-da farq qiladi. Buloqboshi, Shirmonbuloq zonasida echkamar, chipor ilon, toshbaqa, tipratikan, keskalitirliklar; chiyabo'ri, tulki, yovvoyi quyon; parrandalardan chumchuq, musicha, mayna, burgut, ukki; suv havzalarida marinka balig'i kabilar yashaydi. Bu hududda, asosan, madaniy landshaft bo'lib, allyuvial-prolyuvial yotqiziqlardan hosil bo'lgan tekisliklar, terrasa shakliga keltirilgan adirliklar tog'oldi va past tog'lardan iborat. Tabiatni muhofaza qilish bo'yicha maxsus dasturlar ishlab chiqilgan bo'lib, shu dastur asosida noyob o'simlik olami va hayvonot dunyosi muhofazaga olingan. Undan tashqari tog'oldi va tog' landshaftini saqlab qolish masalasiga katta e'tibor berilmoqda. Ekologiyasi viloyatning boshqa hududlariga nisbatan ancha yaxshi. Atmosfera havosi toza, tuproqning 80,8%i sho'rланmagan, suvning sifati to'la ichimlikka yaraydi.

Sharqiy podrayon Xo'jaobod, Jalaquduq va Qo'rg'ontepa tumanlarini o'z tarkibida birlashtirib, viloyatning janubi-sharqiy qismini egallaydi. Maydoni 1,13 ming km²ga teng, ya'ni viloyat umumiy maydonining 1/4 qismini egallab, hududning shimoli-sharqiy va janubi-sharqiy tomonlari Qirg'iziston Respublikasining O'sh viloyati bilan, janubi-g'arbiy va g'arbida Buloqboshi va Andijon tumanlari bilan, shimoli-g'arbda Paxtaobod tumani bilan chegaradosh. Yer yuzasining tuzilishi g'arbdan va janubi-g'arbdan sharqqa tomon ko'tarilib boradi. Hududning asosiy qismi tekisliklardan iborat bo'lib, dengiz sathiga nisbatan 500-600 metrdan boshlanib, Xo'jaobod tumanining Manak, Karnaychi, Imomota qishloqlari hududi 800-1200 metrgacha ko'tarilib borib Qirtoshtov tog'ining baland nuqtasi 1545 metrni tashkil etadi. Jalaquduq tumanining Janubiy Olamushuk, Yorqishloq atroflari 919 metrdan 1100 metrgacha baland, Qo'rg'ontepaning Sultonobod qishlog'ining balandligi 911 metrga teng bo'lsa, Xonobodda Qoratog'ning balandligi 1350 metrga to'g'ri keladi. Hudud relyefining bunday xususiyati viloyatning boshqa joylariga nisbatan o'ziga xosligini ko'rsatadi. Albatta, relyefning ko'tarilib borishi tabiiy sharoitining shakllanishiga, undagi komponentlarning farqlanishiga ham bevosita ta'sir etadi. Sharqiy podrayonning geologik tuzilishi asosan to'rtlamchi davrda shakllangan bo'lsa-da, uning janubi va sharqida Devon, Silur, Bo'r davr yotqiziq'lari ham uchraydi, ularning davomiyligi 1 mln. yildan 70 mln yilgacha davom etgan. Yer yuzasining strukturali tekislangan yuzalari erta pleystotsen yoshidagi, yassi yoki kuchsiz to'lqinsimon, allyuvial-prolyuvial g'ilof bilan qoplangan burmali antiklinal va monoklinal baland tog'oldi, kechki pliotsen to'rtlamchi yoshdagi 100-500 metr chuqurlikdagi qo'yiq parchalanish bilan burmali paloxsa va paloxsa o'rtacha baland tog' tizmalari davom etgan va yassi yoki kuchsiz to'lqinsimon bo'lib, uncha

murakkab bo'lmagan relyef shakllari tarqalgan. Hududning shimoli-sharqiy qismlarida magnit maydoni anomalialarining geomagnit maydonining to'liq vektor kuchlanganligining jadallik darajasi 50 dan 200 gacha bo'lib, ijobiy ko'rsatkichga ega bo'lsa, uning janubi-sharqida -50 dan -100 gacha salbiy ko'rsatkichga ega. Hudud asosan 8 ballik zona hisoblanib, zilzila bo'lish ehtimoli bor zonalariga kiradi. Podrayonning joylashgan geografik o'rni, yer yuzasining tuzilishi, havo massalarining yo'nalishi, takrorlanishi kabi omillar ta'sirida iqlim xususiyatlari viloyatning boshqa joylariga nisbatan farq qiladi. Yozning o'rtacha harorati +26°C bo'lsa, qishniki -2°C ga teng. Haroratning maksimum darajasi +41°C, minimum darajasi esa -28°C ni tashkil etgan. Bu ko'rsatkichlar doimiy emas. Qo'rg'ontepa meteorologik stansiyasining olib borgan kuzatishlari natijasiga ko'ra kuzatuvlar davri 50-75 yilni tashkil etadi. Yog'inlar Xo'jaobod, Oxunboboyev atroflarida 200-300 mm ni tashkil etsa, Manak, Beshtol, Janubiy Olamushuk, Qo'rg'ontepa, Qorasuv, Dardoq va Xonobodda 300 mm dan ko'p yog'in tushadi. Yog'inlar, asosan, bahor va qish fasllarida yog'adi, shamollarning yo'nalishi g'arbiy bo'lib, bahor oylarida ko'p esadi.

Sharqiy podrayon agroiqlimiy xususiyatlariga ko'ra shimoli-sharqiy (Andijon) rayonlar hamda janubi-sharqiy rayonlar guruhiga kiradi. Bu yerda yillik musbat haroratlar yig'indisi shimoli-sharqida 3500-4000°C dan 4400-4900°C gacha bo'lsa, janubi-sharqda 4000-4400°C dan 4400-4900°C gacha yig'iladi. Qishki harorat esa shimoli-sharqda -200-500°C mayin sovuqdan 1-200°C gacha juda mayin holati kuzatiladi. Podrayonning bunday agroiqlimiy xususiyati hududda qishloq xo'jaligi sohasining deyarli barcha tarmoqlarini yaxshi rivojlantirish imkonini beradi. Ayniqsa, paxtachilik, donchilik, pillachilik, bog'dorchilik, uzumchilik, poliz va sabzavotchilik sohalari juda yaxshi taraqqiy etgan bo'lib, hosildorligi yuqori. (Mamajonov va Dehqonov, 2022)

Sharqiy podrayonning irrigatsiya va melioratsiya holati bu hududdan oqib o'tadigan irrigatsiya tarmoqlari hisoblangan Qoradaryo, Qorag'unon, Oqbo'ra daryolari, Andijonsoy, Shahrixonsoy soylari, Janubiy Farg'ona, Qatortol, Yangi Ko'tarma kanallarining oqib o'tishi, undan tashqari mahalliy ahamiyatga ega bo'lgan anhorlar, ariqlar irrigatsiya to'rini tashkil etib, hududning suvga bo'lgan ehtiyojini to'la ta'minlaydi. Oqib o'tadigan suv havzalari suvlarini Qo'rg'ontepa, Jalaquduq, Xo'jaobod tumanlari aholisini, qishloq xo'jaligini, sanoatini, ijtimoiy sohalarni rivojlantirishga sarflaydi. Podrayonda jami sug'oriladigan yer maydoni 64,3 ming gektarni tashkil etadi. Yer osti suvlarining mineralizatsiya darajasi Xonobod, Dardoq, Oyim, Janubiy Olamushuk atroflarida 1 litrda 3-10 grammgacha bo'lsa, Qo'rg'ontepa, Qorasuv, Oxunboboyev, Beshtol, Xo'jaobod, Manak aholi manzilgohlarida 1 grammgachani tashkil etadi. Hududda respublika yer osti suv konlarining 64 koni joylashgan bo'lib, yer osti suv zaxiralariga ancha boy.

Tuproq'i asosan madaniy tuproqlardan iborat bo'lib, o'tloqi soz-allyuvial, bo'z-o'tloqi, o'tloqi-bo'z, tipik bo'z, to'q tusli bo'z, ochilib qolgan tub jinlar va qum-shag'alli yotqiziqlar tarqalgan. Ularning mexanik tarkibi Jalaquduqda 44,3%, Qo'rg'ontepada 43,3%, Xo'jaobodda 21,1% tuproq og'ir qumli va loyli, Jalaquduqda 23,6%, Qo'rg'ontepada 47,9%, Xo'jaobodda 49,5% tuproq o'rta qumli, qolgan qismlari esa yengil qumli va qumloq-qumli bo'lib, tuproq strukturasi ijobiylikni ko'rsatadi. (Mamajonov va Dehqonov, 2022)

Sharqiy podrayon ham o'z navbatida deyarli to'la o'zlashtirilgan bo'lib, bu yerni o'simlik qoplami bir oz bo'lsa-da markaziy, shimoliy, janubiy, ayniqsa, g'arbiy podrayonlarga nisbatan farq qiladi. Jalaquduqning Janubiy Olamushuk, Qo'rg'ontepaning Xonobod hududlarida efemer-efemeroid chala cho'l o'simliklari o'ssa, territoriyaning qolgan joylarida aksariyat vohalarning madaniy o'simliklari o'sadi. Eng ommabop yovvoyi holda o'suvchi dorivor o'simliklardan oddiy tuyatovon, oddiy dastorbosh, soxta yontog', sunbul marmarak, tulkisimon arslonquyrug'i, dag'al qizilpoyga, supurgisimon shuvoq kabi o'simliklar ham o'sadi. Ariq bo'ylarida, yo'l chetlarida, bog' va tokzorlarda ham sho'ra, machin, miya, yantoq, burgan; qirlarda esa lola, lolaqizg'aldoq, sonsorgul, qoqi o't, yalpizlar o'sadi. Hayvonlaridan Xonobodda to'ng'iz (yovvoyi cho'chqa), chiya bo'ri, tulki, yovvoyi mushuk; sudralib yuruvchilardan kulrang echkiemar, toshbaqa, chipor ilon, kaltakesak; qushlardan turkiston oq laylagi, burgut, lochin, qiyg'ir, mayna, musicha, dala chumchug'i, yovvoyi kabutar, qaldirg'och, ko'k qarg'a, olaqarg'a, hakka va boshqa ko'pgina qushlar; suv havzalarida sazan, marinka, turkiston laqqa balig'i yashaydi.

G'arbiy podrayon Shahrixon, Bo'ston, Baliqchi va Ulug'nor tumanlarini o'z tarkibida birlashtirib, viloyat umumiy maydonining 1,25 ming kv km maydonini tashkil etadi, aholisining 457,7 ming nafari shu podrayonda yashaydi.

Bu podrayonning geografik o'rni viloyatning g'arbiy qismiga, tekislik cho'l zonalariga, to'g'ri keladi. Yer yuzasining tuzilishi g'arbidan sharqiga qarab ham, shimolidan janubiga qarab ham uncha katta farq qilmaydi. Ulug'nor tumanining g'arbiy nuqtasida yer yuzasining balandligi 403 metrga teng bo'lsa, uning shimolida (Baliqchida) 414 metrni, janubida (Bo'ston va Shahrixonlarda) 424 metrni tashkil etadi. Yer yuzasining bunday xususiyati hududning o'ziga xosligini ko'rsatadi, ob-havo va iqlimida ham deyarli farq sezilmaydi.

Geologik tuzilishi Kaynozoy erasining to'rtlamchi davrida shakllangan bo'lib, asosan, daryo yotqiziqalaridan iborat. Yer yuzasining tuzilishi geomorfologik jihatdan akkumulyativ yuzalardan tashkil topgan orogen zonalardan iborat bo'lib, Ulug'nor tumanining Oqoltin atroflari shamol ta'sirida qisman qayta o'zgargan – yassi yoki kuchsiz to'lqinsimon ko'rinishga ega, Mingchinor, Bo'ston, Shahrixon, Mazgilsoy atroflari yassi yoki kuchsiz to'lqinsimon, Mingbuloq, Baliqchi, Xo'jaobod, Davlatobod atroflarida esa hozirgi yoshdagi yosh sokol va akkumulyativ terrasalardan iborat vodiylar yuzaga kelgan. Hududni asosan strukturali tekislangan akkumulyativ prolyuvial va allyuvial-prolyuvial yotqiziqalardan iborat jinlar qoplagan. Shimoliy qismida doimiy va davriy daryo o'zanlarining qayir va terrasa vodiylari shakllangan, terrasalar bugungi kunda o'zlashtirilib, sug'orib, dehqonchilik qiladigan ekin maydonlariga aylantirilgan, undan tashqari bu terrasalar ustida ko'plab ijtimoiy obyektlar barpo etilgan bo'lib, ulardan aholi iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda foydalanib kelmoqda.

Viloyatning g'arbiy podrayoni magnit maydoni anomaliyalari asosan ijobiy bo'lib, magnit maydoni anomaliyalarining jadallik izolitsiyasi to'liq vektor kuchlanganlik o'lchov birligida 50 dan – 200 gacha ifodalangan. Bu hudud ham seysmik nuqtayi nazardan aktiv zona hisoblanib, Shahrixon, Bo'ston, Sherqo'rg'on, Mingbuloq hududlari 9 ballik, Oqoltin, Chinobod, Mingchinor atroflari 8 ballik zonalarga kiradi, bu zonalarda tuproq zarrasida tebranish tezligi 351-400 sm/sek² dan 451-500 sm/sek² gacha yetadi hamda 8-9 balli makroseysmik oblastga kiradi. Ulug'nor tumanining janubi-g'arbiy qismi – Mingchinor atroflari – 301-350 sm/sek² tebranish tezligiga ega bo'lgan 8 ballik zona hisoblanadi. G'arbiy podrayon iqlimi boshqa podrayonlar iqlimidan ancha farq qiladi, bu hududda yog'inlar miqdori 150-200 mm dan oshmaydi, Oqoltin, Mingchinor atroflarida yog'in 150 mm dan kam, yog'inlar asosan bahor va qish oylariga to'g'ri keladi, yog'inlarning ko'p miqdori bahorda yomg'ir ko'rinishida tushadi, aprel-may oylarida jala va sel yog'ilishi kuzatiladi. Ba'zan do'l yog'adi, qishda yanvar-fevral oylarida kuchsiz qor yog'adi: qor qatlamining qalinligi yupqa va tez erib ketadi. Havo harorati yozda +44⁰ dan kam bo'lmaydi, maksimal darajasi +50⁰ gacha ko'tariladi. Havo harorati hududning barcha qismida bir xil emas. Baliqchi va Shahrixonga nisbatan Ulug'nor va Bo'ston tumanlarida yuqoriroq, qishda havo harorati o'rtacha -0⁰ -5⁰ ni tashkil etsa, ba'zi davrlarda minimal holat -26⁰ gacha pasayishi kuzatiladi. Shamollarning yo'nalishi g'arbiy va janubi-g'arbiy bo'lib, asosan, bahorda ko'p esadi va tez-tez takrorlanib turadi. Ulug'nor va Bo'ston tumanlarida meteorologik stansiyalar, Shahrixonda esa agrometeorologik post mavjud bo'lib, atmosferada bo'ladigan meteorologik jarayonlar sutka davomida kuzatib turiladi va yig'ilgan materiallar Andijon viloyat gidrometeorologiya boshqarmasiga taqdim etiladi.

G'arbiy podrayon agroiklimiy rayonlashtirish nuqtayi nazaridan to'rtta rayonlar guruhiga kiradi. Ulug'nor tumanining Mingbuloq va eng g'arbiy chekka qismlari 1-markaziy (Qo'qon) rayonlar guruhiga kiradi. Bu yerda yillik musbat haroratlar yig'indisi 4400-4900⁰C ni tashkil etsa, qishki manfiy haroratlar yig'indisi -200⁰C gacha bo'lib, mayin havo bo'lishi kuzatiladi. Janubi-g'arbiy qismida (Mingchinor atroflarida) bu ko'rsatkich 2800-3100⁰C dan 4000-4400⁰C gacha bo'lsa, manfiysi 1-200⁰C dan 500-1000⁰C gacha bo'lib, juda mayin, ba'zan mo'tadil sovuq kuzatiladi va bu joylar 3-janubiy (Farg'ona) rayonlar guruhiga kiradi. G'arbiy podrayonning shimoliy qismi Baliqchi, Chinobod, Xo'jaobod, Sherqo'rg'on atroflari 2-shimoli-g'arbiy (Andijon) rayonlar guruhiga kiradi va bu joylarda yozgi musbat haroratlar yig'indisi 3500-4000⁰C dan 4400-4900⁰C gacha bo'lib, vegetatsiya davri uzoq bo'ladi, manfiy haroratlar esa -200 -500⁰C dan, 1-200⁰C ga teng bo'lib, mayin va juda mayin haroratni yuzaga keltiradi, 4-si esa janubi-g'arbiy rayonlar guruhiga kiradi va musbat haroratlar yig'indisi 4000⁰C - 4400⁰C dan 4400⁰C - 4900⁰C gacha yetadi. Qishda esa sovuq haroratlar yig'indisi -100⁰C dan -500⁰C-1000⁰C gacha bo'lib, mayin va mo'tadil sovuq holat kuzatiladi. (Мамажонов М. 2018). Bunday agroiklimiy holat g'arbiy podrayonda qishloq xo'jaligining deyarli barcha sohasini rivojlantirish imkonini

beradi: bahor erta keladi, quyoshli kunlar ko'p bo'ladi, ba'zi bir qishloq xo'jaligi ekinlaridan (beda) 5-6 marotabagacha hosil olish imkonini beradi.

Yakunda xar bir hudud o'zining tabiiy –geografik xususiyatiga ko'ra farqlanishi o'z isbotini topadi va hududlarda alohida-alohida tadbirlar olib borilishi zarurligi oydinlashadi.

Shimoliy podrayonning tabiiy, iqtisodiy-ijtimoiy sohalardagi rivojlanganlik darajasi boshqa podrayonlarning sharoitidan ancha yuqoriligi bilan ajralib turadi. Podrayonda tabiatni muhofaza qilish ishlari ham yuqori darajada yo'lga qo'yilgan bo'lib, muntazam ravishda mutaxassislar tomonidan tabiat komponentlari holati tahlil qilinib boriladi.

Janubiy podrayonda asosan Buloqboshi tumanining Shirmonbuloq zonasida ekoturizmni rivojlantirishga barcha imkoniyatlar mavjud. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, viloyatning bu hududlarida tabiiy va tarixiy yodgorliklarning mavjudligini hisobga olib, viloyatning Asaka, Buloqboshi, Marhamat tumanlarida turistik yo'nalish ochilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Sharqiy podrayonda ekoturizmni, umuman, turizmni rivojlantirish imkoniyatlari katta. Xo'jaobodda Manak, Karnaychi, Imomota, Dilkushod qishloqlaridagi, Jalaquduqda Janubiy Olamushuk, Qilichmazor, Dalvarzin, Oyim, Qo'rg'ontepadagi Dardoq, Sultonobod, Xonobod, Qorasuv, Topolino, Jiyda buloq, Fozilmon ota, shahar va qishloqlardagi Qoradaryo, Andijonsoy, Shahrixonsoy, Qorag'unon, Janubiy Farg'ona kanali va boshqa suv havzalari bo'ylaridagi rekreatsion resurslari hududda avvalo mahalliy, qolaversa, xalqaro turizmning, ekoturizmning rivojlanishiga keng imkon beradi. Shu nuqtayi nazardan quyidagi turistik marshrutni joriy qilsa bo'ladi. Andijon – Xo'jaobod – Karnaychi – Manak – Dilkushod – Imomota – Andijon; Andijon – Oxunboboyev – Qilichmazor – Janubiy Olamushuk – Oyim – Dalvarzin – Teshiktosh – Andijon; Andijon – Oxunboboyev – Qo'rg'ontepa – Qorasuv – Sultonobod – Topolina – Xonobod – Fozilmon ota. Bu yo'nalishlar bo'yicha ham tarixiy, ham madaniy va tabiat yodgorliklarini ko'rish, ziyorat qilish va madaniy dam olish imkoniga ega bo'ladi.

G'arbiy podrayonning irrigatsiya va melioratsiya xususiyatlari boshqa podrayonlarga nisbatan bir oz farq qiladi. Sababi, bu podrayonda kollektorlar va tashlamalar to'ri qalin. Hududning janubi-g'arbidan Katta Farg'ona kanali, shimoli-g'arbidan Katta Andijon kanali, sharqdan g'arbga qarab markaziy qismida Ulug'nor kanali oqib o'tsa, shimolda ma'lum masofada Qoradaryo oqib, Norin daryosi bilan qo'shilib, Sirdaryoni hosil qilib, Mingbuloqning shimoliy qismidan oqib o'tadi. Podrayonning sharqidan g'arbga qarab markazidan kesib oquvchi Ulug'nor kanali Zambarko'l, Mazgilsoy, Sariqjo'ga, Sariqsuv, Yangi-Naynavo, Shahrixon, Shimoliy kollektorlar hududda irrigatsiya va melioratsiya ishlarini yaxshilash imkonini beradi. Natijada 123,0 ming gektar qishloq xo'jaligi yerlarini hamda shu podrayondagi iqtisodiy-ijtimoiy sohalarni va aholini suv bilan ta'minlaydi. Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilaydigan omillardan biri bo'lgan ochiq va yopiq drenajlar hamda zovurlarning faoliyati juda yaxshi yo'lga qo'yilganligi yerlardan samarali va unumli foydalanish imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. Андижон вилоятининг агроиқлимий районлаштириш харитаси. – Тошкент, 2015.
2. Андижон вилоятининг ирригация ва мелиорация харитаси. – Тошкент, 2015.
3. Мамажонов М. Андижон географияси. Т: Академнашр, 2018. 73 б.
4. Мамажонов М, Деҳқонов В. Андижон вилояти қишлоқ, о'рмон ва балиқчилик хо'jaligi rivojlanishining iqtisodiy geografik jihatlarini. SamDU Ilmiy axborotnoma 2022 y. 3-son. 78 b.
5. Мамажонов М, Деҳқонов В. Андижон вилояти tuproqlari geoekologiyasi va ulardan qishloq xo'jalik maqsadlarida foydalanish. «Farg'ona vodiysida biologik xilma-xillikni saqlab qolishning hozirgi zamon muammolari va yechimlari» respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (2022 yil 30-31 may). 308, 310 b.

TABIY BOYLIKLARNI MUHOFAZA QILISH

M.Mamajonov*, A.M. Mamajonov

Andijon davlat universiteti, Andijon, O'zbekiston

*E-mail: bmd162930@gmail.com

The article deals with natural resources and their use, including the protection of natural resources of the Andijan region. The necessary recommendations regarding the population and nature are given.

Key words: *natural environment, earth, components, relation.*

Xalqimizda tabiatni e'zozlab "Ona tabiat" deb murojaat qilish ongimizga singib, mo'jizaviy tushunchani shakllantirib, unga o'ta ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishga da'vat qiladi.

Inson tabiat bilan doimiy ravishda uzviy bog'langan bo'lib, kerakli bo'lgan barcha narsalarni undan undirib olishga harakat qiladi, natijada tabiatda mavjud komponentlarning ham soniga, ham sifatiga o'z ta'sirini ko'rsatib kelmoqda.

Tabiiy boyliklardan foydalanish inson yer yuzida paydo bo'lgandan buyon davom etib kelmoqda, ammo dastlabki davrlarda tabiiy resurslardan inson o'zlarining kundalik ehtiyoji uchun foydalangan bo'lsa, kishilik jamiyati o'zgargan sari tabiatga va uning unsurlariga bo'lgan munosabat keskinlashib borayotganligini ko'ramiz. Insonning iqtisodiy va ijtimoiy ehtiyojlari boylik orttirish bilan bog'liq holda kechayotganligi yer, suv, o'simlik va hayvonot olamiga hamda yer osti boyliklariga bo'lgan ta'sirida yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Bugungi kunda dunyoning barcha davlatlarida tabiatni muhofaza qilishga qaratilgan ilmiy, amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Shu jumladan, bizning mamlakatimizda ham tabiatni ilmiy asosda muhofaza qilish ishlari amalga oshirilmoqda. Masalan, yer, suv, o'simlik va hayvonot olamini muhofaza qilish masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan bo'lib, tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi tuzilgan. Bu qo'mitaning joylardagi bo'limgari mamlakatimizning hamma hududlarida tabiatni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni to'la nazorat qiladi.

Andijonda ham viloyat tabiatni muhofaza qilish boshqarmasi viloyatimizda tabiatni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish bo'yicha reja asosida faoliyat ko'rsatadi.

Tabiatni ifloslovchi manbalar faoliyatini o'rganish, ularni tartibga solish, faoliyatini cheklash masalalarini ilmiy laboratoriyalar xulosasiga ko'ra amalga oshiradi. Atrof-muhitni ifloslantiruvchi ishlab chiqarish korxonalarini zararsiz ishlash usullariga o'tkazish, chiqitsiz ishlab chiqarish texnologiyalarini joriy qilish masalalariga alohida e'tibor qaratadi.

Viloyat suv havzalarining musaffoligini ta'minlash maqsadida sutka davomida daryo, kanal va anhor suvlarini analiz uchun olib laboratoriya nazoratidan o'tkazib turiladi. Viloyat hududidan oqib o'tadigan suv havzalarining ifloslanish darajasi suv yuzasi monitoringi stvorlari bo'yicha: Andijon suv ombori kuzatuv postlarida suvning ifloslanishi o'rganilganda, suvning tarkibidagi beshta komponentlarning miqdori quyidagicha ekanligi aniqlandi: Suvning ifloslanish indeksi Ciu 0,81 ga nisbatan nitritlar 0,9, mis 1,1, fenollar 1,0, kisloroddan kimyoviy foydalanishi 0,3, minerallanish 0,4 % ni tashkil etadi, bu komponentlar Qoradaryoning kuzatuv postlarida o'rganilganda, nitritlar 0,5, mis 1,0, fenollar 1,0, kisloroddan kimyoviy foydalanish 0,6, minerallanish darajasi esa 0,7 % ko'rsatilganligi aniqlandi. Suvning ekologik holati tabiiy tozalanish jarayonida tozalanib, yangilanib turadi. Suvning ifloslanish indeksining o'rtacha qiymati bo'yicha Qoradaryo suvining yaroqlilik darajasi 98 % ga teng bo'lib, bu ko'rsatkich suv sifatining ijobiyligidan dalolat beradi.

Tuproq, o'simlik va hayvonot olamini muhofaza qilishda ham doimiy kuzatish va nazorat qilish ishlari amalga oshiriladi. Cho'l va sug'oriladigan o'tloqi soz-allyuvial tuproqlar tarqalgan bo'lib, ular tumanlar bo'yicha mexanik tarkibiga ko'ra bir-biridan farq qiladi. Ulug'nor tumanida yengil qumli va qumloq-qumli tuproqlar hamda o'rta qumloqli tuproqlar tarqalgan bo'lib, ular o'rtacha va kuchli sho'rlangan. Shuning uchun ham dehqonchilik ishlari oldidan yerlar yaxob suvi berilib yuviladi. Bo'stonda og'ir qumoqli va loyli, o'rta qumoqli tuproqlar mavjud bo'lib, ular kuchsiz va o'rtacha sho'rlangan, Baliqchi tumanida asosan o'rta qumloqli va og'ir qumloqli

hamda loyli, kuchsiz va o'rtacha sho'rlangan tuproqlar mavjud, Shahrixonda esa og'ir qumloqli va loyli hamda o'rta qumloqli bo'lib, sho'rlanmagan va kuchsiz sho'rlangan tuproqlar mavjud. (Madumarov T.A. va boshq. 34 b.), Tuproqning sho'rlanish darajasi Jalaquduq tumanida 25,5 % sho'rlanmagan, 54,6 % kuchsiz sho'rlangan, 22,5 % o'rtacha sho'rlangan, 2,4 % esa kuchli sho'rlangan. Bu ko'rsatkichlar Qo'rg'ontepa tumanida 78,0 % sho'rlanmagan, 20,8 % kuchsiz sho'rlangan, 1,2 % esa o'rtacha sho'rlangan bo'lsa, Xo'jaobod tumanida sho'rlanmagan maydon 79,5 %, kuchsiz sho'rlangan 17,5 % qolgani esa o'rtacha sho'rlangan hududlarga kiradi. Albatta, tuproqning bunday darajasi tuproqdan foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi. Tuproqning umumiy sifatiga baho beradigan bo'lsak, 2,7 % juda yaxshi, 39,6 % yaxshi, 37,9 % o'rtacha, 19,7 % o'rtachadan past ko'rsatkichga egadir. Tuproqlari tipik bo'z, bo'z-o'tloqi, o'tloqi-bo'z, o'tloqi soz-allyuvial hamda och tusli bo'z tuproqdan iborat Asaka tumanida 70,1 % sho'rlanmagan, 23,8 % kuchsiz sho'rlangan, 3,9 % o'rtacha sho'rlangan, 2,2 % kuchli sho'rlangan tuproqlar bo'lsa, Buloqboshida sho'rlanmagan 59,8 %, kuchsiz sho'rlangan 34,3 % va o'rtacha sho'rlangan 5,1 % ni tashkil qiladi. Kuchli sho'rlangan joylar 0,8 % ga teng. Bu ko'rsatkich Marhamat tumanida quyidagicha: sho'rlanmagan joylar 55,7 % ni, kuchsiz sho'rlangan 39,1 % va o'rtacha sho'rlangan yerlar 4,5 % tashkil etadi. Tuproqning mexanik tarkibi og'ir qumli va loyli, asosan, o'rta qumli donador xususiyatga ega bo'lib, ishlov berish oson, hosildorligi esa yuqori.

Viloyatning boshqa hududlariga nisbatan murakkabroq, viloyat markazi Andijon shahri viloyatning sanoat markazi hamdir. Bu yerda o'nlab zavod, fabrikalar, qo'shma korxonalar, madaniy-maishiy sohalar rivojlangan. Undan tashqari aholi soni va zichligiga ko'ra boshqa tuman va shaharlarga qaraganda bir necha marotaba yuqori, transport vositalarining soni ko'pligi ulardan chiqayotgan chiqindi va isgazlar podrayon tabiatiga, jumladan, havoga, suvga, tuproqqa va o'simlik hamda hayvonot olamiga, eng avvalo, insonga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Andijon shahrida tabiatni ifloslantiruvchi moddalarning nisbatiga baho beradigan bo'lsak, 100 %ga nisbatan sanoat chiqindilarining ulushi 14,2 % to'g'ri kelsa, avtotransportning hissasiga 85,8 % to'g'ri keladi. Shahar atmosferasining ifloslanish darajasi va uning tarkibidagi turli kimyoviy moddalarning tarkibi quyidagicha: ammiak 1,35, chang 0,59, azot dioksidi 0,39, uglerod oksidi 0,19, oltingugurt dioksidi 0,13 % ni tashkil etadi, yuqorida Andijon shahri atmosferasi ifloslanishi indeksining 5 ta komponenti miqdori keltirilgan.

Viloyat landshafti o'zlashtirilgan madaniy, adir, tog'oldi, past tog'lar, tog' oraliq botiqlari, adir orti tekisliklari, daryo vodiylari va terrasalarga bo'linadi. Madaniy landshaftlarda, asosan, dehqonchilik, bog'dorchilik, uzumchilik, polizchilik, sabzavotchilik rivojlangan. Adir va tog'oldi zonalarida terrasa usulida bog'dorchilik rivojlantirilgan. Tabiatni muhofaza qilish bo'yicha juda ko'plab tadbiri choralar rejalashtirilib, ularni bajarish bo'yicha amaliy ishlar qilinib, jumladan, atmosfera havosining, suv havzalarining, tuproqlarining, o'simlik va hayvonot olamining muhofazasiga katta e'tibor berilib, yosh avlodga, keng jamoatchilikka tushuntirish ishlari olib boriladi. Natijada tabiatni sof holda saqlashga erishilyapti. Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi tomonidan podrayonda yashaydigan lochin, turkiston oq laylagi, mallabosh, lochin (sahro lochini), itolg'i, burgut; kulrang echkiemar; suv havzasida yashaydigan turkiston laqqa balig'i; o'simliklaridan jovgaza lolasi, undan tashqari o'rmon xo'jaligida mavjud ko'pgina o'simlik va hayvonot olami muhofazalanadi (Мамажонов va Деҳқонов, 2022)

Mamlakatimizda tabiatni muhofaza qilishga qaratilgan qator qonunlar qabul qilingan. Bular "Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida" (1992-y. 9-dekabr), "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida" (1993-y. 6-may), "Yer osti boyliklari to'g'risida" (1994-y. 23-sentabr, 2002-y. 12-dekabr yangi tahriridagi), "Atmosfera havosini muhofaza qilish to'g'risida" (1996-y. 27-dekabr), "O'simlik dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to'g'risida", - "Hayvonot dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to'g'risida" (1997-y. 26-dekabr), "O'rmon to'g'risida" (1999-y. 15-aprel), "Chiqindilar to'g'risida" (2000-y. 5-aprelda)gi qonunlardir.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 50-, 54-, 55- va 100-moddalarida tabiatni muhofaza qilishga oid normalar bayon etilgan. Konstitutsiyaning II bobi 50-moddasida "Fuqarolar atrof tabiiy muhitiga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga majburdirlar" deb ko'rsatilgan. 55-moddasida "Yer, yer osti boyliklari, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zaxiralar umummilliy boylikdir. Ulardan oqilona foydalanish zarur va ular davlat muhofazasidadir", deyilgan. Yuqoridagi qonunlardan kelib chiqib mamlakatimizning barcha hudud-

larida tiklanadigan va tiklanmaydigan tabiiy boyliklardan foydalanishga, ularni ehtiyot qilishga va kelajak avlodga yetkazishga barchamiz mas'uldirmiz. Jumladan, Andijon viloyati hududidagi suv, yer va yer resurslari, o'simlik va hayvonot olami, madaniy va tabiiy landshaftlar o'lkamizning bebaho boyliklari hisoblanadi. Shunday ekan, biz ham ularga doimo yaxshi munosabatda bo'lmog'imiz darkor. Bugungi kunda viloyatimiz markazi Andijon shahrida viloyat tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi, Viloyat o'rmon xo'jaligi, Viloyat suv xo'jaligi, Viloyat yer kadastro kabi idoralar, ularning tuman va shaharlardagi bo'limlari zamonaviy laboratoriyalar bilan jihozlangan holda tabiatni muhofaza qilishdek o'ta mas'uliyatli, ham sharaflari vazifani bajarib, aholining tabiatga bo'lgan munosabatlarini yaxshilash uchun joylarda aholi bilan uchrashuvlar va tadbirlar o'tkazib kelmoqdalar. O'tkazilayotgan tadbirlar aholining tabiatga bo'lgan munosabatlarining yaxshi bo'lishiga xizmat qilmoqda.

Adabiyotlar:

1. Андижон вилоятининг табиятни муҳофаза қилиш харитаси. – Тошкент, 2015.
2. Андижон шаҳар плани. – Тошкент, 2015.
3. Мамажонов М., Деҳқонов Б.М. Андижон вилояти ўсимликлари тарқалишининг ҳудудий жиҳатлари, ҳамда улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари. «Farg'ona vodiysida biologik xilma-xillikni saqlab qolishning hozirgi zamon muammolari va yechimlari» / Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Andijon, 2022 yil 30-31 may. 104 b.
4. Madumarov T.A., Mamajonov M., Mamatyusupov A.Sh., Isayev A. Andijon viloyati o'lkashunoslik atlas. Toshkent, 2015

ANDIJON VILOYATI TABIIY LANDSHAFTLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

M. Mamajonov

Andijon davlat universiteti, Andijon, O'zbekiston

E-mail: bmd162930@gmail.com

The article studies the natural landscapes and existing natural monuments of the Andijan region. The characteristics of the components of the landscape are analyzed and the necessary recommendations are given for areas in need of nature protection.

Key words: *natural balance, natural monuments, flora and fauna, dune, protection*

Andijonda tabiiy landshaftlarga Ulug'nor tumanidagi qumtepalar, baliqchilik xo'jaligi atrofidagi qamishzorlar hamda Asaka, Andijon, Marhamat, Buloqboshi, Xo'jaobod, Jalaquduq, Qo'rg'ontepa, Paxtaobod tumanlari hududida joylashgan adirliklar, Xo'jaobod tumanining Manak, Dilkushod, Imom ota, Qirtoshtov tog'lari, Qo'rg'ontepaning Fozilmon ota, Qoratog' tog'lari kiradi. Bu tabiiy landshaftlar bugungi kunda viloyatning tabiiy rekreatsion resursi ham hisoblanib, himoyaga muhtoj bo'lib qolmoqda, sababi Ulug'nordagi qumning qurilish material sifatida katta miqdorda olinishi, adir tuproqlaridan g'isht tayyorlashda keng miqyosda foydalanilishi, Shirmonbuloqdagi tog' toshlaridan ohak tayyorlashda foydalanish, tog'oldi va tog' hududlaridan yaylov sifatida foydalanish tabiiy landshaftlarning o'zgarib ketishiga sabab bo'lmoqda. Bu esa tabiat muvozanatining ma'lum ma'noda buzilishiga olib keladi.

Viloyat landshaftlari chala cho'llar, lyosli cho'llar, qumli cho'llar, sug'oriladigan yerlar va seliteb hududlarga bo'linadi. Tekisliklarda asosan allyuvial va prolyuvial yotqiziqlardan hosil bo'lgan landshaftlar, jumladan, chala cho'llar Marhamat tumanining janubida, lyosli cho'llar Andijon tumanining Otchopar, Xortum qishloqlari atroflarida, qumli cho'llar Ulug'nor tumanining janubi-g'arbida, Mingchinor atroflarida hamda sug'oriladigan yerlar va seliteb hududlar viloyatning qolgan barcha joylariga xos bo'lgan landshaft hisoblanadi (Mamajonov va Dehqonov, 2022)

Yuqoridagi to'rtta landshaftlardagi tuproq va o'simlik qoplamini o'rganadigan bo'lsak, 1) chala cho'l landshaftlarida och tusli va tipik bo'z tuproqlarda so'g'd va ingichka poyali gammada

o'simliklari jamoalari o'sadi; 2) cho'l landshaftlarida, lyosli cho'l landshaftlarida och tusli va tipik bo'z tuproqlarda quyon jun, efemer va efemeroidlar (cho'l bargi, qo'ng'irbosh, yovvoyi bug'doy, quyon arpa, yoltirbosh xillari) va shuvoq o'simliklari jamoalari o'sadi; 3) qumli cho'llar landshaftlarida qumli cho'l tuproqlar tarqalgan bo'lib, u yerlarda qumlardagi oq saksovul, cherkez va sho'rlangan qumlardagi qora saksovul o'simliklari vakillari yashaydi, umuman, chala cho'l, cho'l hududlarda iqlimning o'ziga xos kontinentalligi, yog'inlarning kamligi, mavjud bo'lgan namlikka nisbatan mumkin bo'lgan bug'lanishning ortiqchiligi bu yerda tuproqlarning ham, o'simlik olamining ham o'sha joyga moslashishga olib keladi. Tuproqlarda unumdorlik, donadorlik xususiyatlari past bo'lib, o'simlik olami ham o'zidagi suvlarni kam bug'latish xususiyatiga ega bo'lgan mayda bargli, tikanli, tomirlari o'q tomir bo'lib yer ostiga chuqur boradigan o'simliklar hisoblanadi; 4) antropogen landshaftlar viloyatning asosiy maydonini egallab, bu yerlarda sug'orma dehqonchilik ishlari amalga oshiriladi. Asosan, unumdor, hosildorligi yuqori, ishlov beriladigan madaniy tuproqlar (jumladan, o'tloqi soz-allyuvial, bo'z-o'tloqi, o'tloqi-bo'z va och tusli bo'z hamda tipik bo'z tuproqlar) tarqalgan bo'lib, asosan, paxta, bug'doy, makkajo'xori, sholi, arpa, beda, poliz va sabzavot ekinlari bilan birga bog'dorchilik va uzumchilik rivojlangan.

Viloyat hududidagi landshaftlarning ekologik guruhi asosan ikkiga bo'linadi: 1. Kseromorf hududlar (bu yerlarga Ulug'norning janubi-g'arbiy, Marhamatning janubi, Andijonning Xortum, Otchopar, Jalaquduqning g'arbi kiradi). Bu yerlarda tuproq va o'simlik olami boshqa hududlarga nisbatan bir oz bo'lsa-da tabiiyligi bilan, davriyligi bilan ajralib turadi. 2. Antropogen guruh (to'la o'zlashtirilgan madaniy landshaftlar hisoblanib, yuqorida aytilganidek, sug'orma dehqonchilik va bog'dorchilik ishlari amalga oshiriladigan joylar). Bu guruh viloyatning asosiy maydonini ishg'ol qiladi.

Har qanday landshaft eng avvalo barcha tirik organizmlar uchun yashash makoni hisoblanadi. Jumladan, inson uchun ham aniq muhit hisoblanib, uni har qanday ko'ngilsiz va rejasiz, tartibsiz foydalanishdan hamda ifloslanib xususiyatlarini o'zgartirib yuborishdan muhofaza qiladi. Landshaftlarni muhofaza qilish deganda, biz uning komponentlarini, tarkibini toza saqlashga, muvozanatining buzilmasligini, yovvoyi tabiatni o'z holicha saqlab qolishni tushunamiz.

Landshaftlarning barcha unsurlarini muhofaza qilishda eng avvalo aholining ekologik madaniyatini yuksaltirishga, insonlarning tabiat oldidagi mas'uliyatini oshirishga, kelajak avlod oldida javobgarligini his etishiga erishish zarur, shu bilan birga, viloyat hududida mavjud o'simlik va hayvonot olamini mutaxassislar yordamida aniqlab, ularni ko'paytirish masalalarining ilmiy yechimini topishga erishish kerak (Мамажонов, 2018)

Viloyatda qo'riqxonalar va buyurtmalarining yo'qligini hisobga olib Ulug'nordagi qum tepalarining, baliqchilik xo'jaligi atrofidagi qamishzorlarning, Asaka, Andijon, Buloqboshi, Marhamat, Xo'jaobod, Jalaquduq, Paxtaobod va Qo'rg'ontepa tumanlarida joylashgan adir zonalarining, tog'larning tabiiy holda saqlanishiga erishish muhim ahamiyatga ega bo'lgan vazifa hisoblanadi.

Tabiat yodgorliklariga viloyatimizdagi g'orlar, karstlar, sharshara va shovvalar, buloqlar, jilg'a va soylar, daralar, qoyali relyef shakllari, ochilib qolgan yotqiziqlar, ko'p asrlik noyob daraxtlar kiradi. Bunday yodgorliklarni viloyatimizning Karnaychi, Imomota, Chilustun, Chilmoyram tog'lari, Sultonobod shaharchasi hududida Sultonsupa, Yunuspayg'ambar ota ziyoratgohi, Bibi Seshanba ziyoratgohi, Ko'k buloq, So'ngal buloq, Xonobodagi Fozilmon ota ziyoratgohidagi ming yillik chinorlar, shifobaxsh buloqlar, Kampiroboddagi Kampirtosh, Qoradaryo vodiysidagi ochilib qolgan jinlar, Qo'rg'ontepa shahridagi madrasa, Jalaquduqdagi Qilichmazor ziyoratgohi, Shirmonbuloqdagi sharshara, buloqlar, qoyatoshlar, Oyim qishlog'idagi Dalvarzintepa, Marhamatdagi Mingtepa, Andijon shahridagi Sarvontepa, Bog'ishamol majmuasi, Jome madrasasi, eski minora, Qal'a, Bobur Arki, Viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi, Cho'lpon muzeyi, Madaniyat qishlog'idagi Otaqo'zi madrasasi, Shahrixondagi madrasa, Baliqchidagi Uchbuloq kabi tabiiy va tarixiy yodgorliklarni kiritishimiz mumkin (Мамажонов, 2018) Yuqorida nomlari keltirilgan tabiiy-tarixiy yodgorliklar viloyatimizdagi muhofaza qilinishi, tiklanishi, qayta ta'mirlanishi lozim bo'lgan yodgorliklarning ma'lum bir qismi xolos. Viloyatimizning boshqa hududlarida ham ko'plab o'rganishi, ta'minlanib tiklanishi zarur bo'lgan yodgorliklar mavjud. Biz kelajak davomchilari bu yodgorliklarga ilmiy yondashib, ularning tarixini o'rganib, keng jamoatchilikka targ'ib qilib, ularni saqlash, himoya qilish masalalariga e'tibor berib, viloyatda turizmning rivojlanishiga amaliy yordam qilishimiz kerak bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Андижон вилоятининг агроиклимий районлаштириш харитаси. – Тошкент, 2015. Андижон вилоятининг ирригация ва мелиорация харитаси. – Тошкент, 2015.
2. Мамажонов М. Андижон географияси. Т: Академнашр, 2018. 73 б.
3. Мамажонов М, Деҳқонов В. Андижон вилояти қишлоқ, оʻрмон ва балиқчилик хоʻjaligi rivojlanishining iqtisodiy geografik jihatlari. SamDU Ilmiy axborotnoma 2022 y. 3-son. 76 б.

AEGILOPS TRIUNCIALIS L. NING FITOSENOTIK TAVSIFI

O.T. Mamatqosimov*, B.J. Mavlanov

Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Botanika instituti, Toshkent, Oʻzbekiston

*E-mail: odilbek.mamatqosimov.90@mail.ru

In this article Aegilops triuncialis L. prevalence in phytocenoses has been studied. This species is an important nutrient (food) plant. The research was carried out in different botanical-geographical regions of Uzbekistan and the National Herbarium Foundation (TASH). The foundation has more than 250 specimens of the Aegilops triuncialis L. In studies from 2021-2022, 9 plant communities with species participation were studied. The results obtained make it possible to use species that are important, as well as carry out their monitoring.

Key words: *Aegilops triuncialis L. TASH, Association, formation, Plant community.*


Biologik xilma-xillikka boʻlgan antropogen va texnogen omillar taʼsirining kuchayishi natijasida oʻsimliklar qoplaminig sezilarli darajada oʻzgarishi kuzatilmoqda. Buning natijasida choʻl, adir va hattoki togʻ oʻsimliklar qoplami ham qator antropogen omillar taʼsirida tobora inqirozga uchrashi, ularning tabiiy holati keskin oʻzgarib borishi kuzatilmoqda. Bunday vaziyatda oʻsimliklar qoplami tarkibini alohida tavsiflash, oʻsimliklar qoplaminig resurs imkoniyatlarini baholash va qoplamda yuz berayotgan jarayonlarni monitoring qilish borasidagi tadqiqotlariga alohida eʼtibor qaratilmoqda. Mazkur tadqiqot ishida madaniy bugʻdoy navlarining yovvoyi ajdodi hisoblangan *Aegilops triuncialis L.* turining oʻsimlik jamoalarida tarqalishi oʻrganildi. 2021 – 2022 – yillar davomida olingan natijalar asosida 9 ta oʻsimlik jamoasidagi populyatsiyalarining holati baholandi. Shu bilan bir qatorda, bizgacha shu yoʻnalishda olib borilgan tadqiqotlarning ham tahlili keltirildi.

Aegilops L. Poaceae oilasining keng tarqalgan turkumlari qatorida eʼtirof etiladi. Turkum vakillarining asosiy tarqalish hududlari Janubi – Gʻarbiy Osiyo, Markaziy Osiyo, Oʻrta yer dengizi havzalari hisoblanadi. Turkum vakillarining 3\2 qisminig kelib chiqishi aynan shu hududlarga toʻgʻri keladi. Turkum vakillari madaniy bugʻdoylarning eng yaqin qarindoshi sifatida keltirilgan. Ularning diploid, tetraploid va geksaploid vakillari mavjud. Turkum vakillarining keng tarqalganligini inobatga olsak, ularning tor arealli endem turlari nihoyatda kamchilikni tashkil qiladi. Turkumning dunyo boʻyicha 25 ta turi (Cabi va Doğan, 2016) MDH davlatlarida 9 turi (Комаров, 1934), Qozogʻistonda 5 turi (Yesimbekova *et al.*, 2015), Turkiyada 17 turi (Cabi va Doğan, 2016), Bolgariyada 9 turi (Zahariyeva *et al.*, 2004), Oʻzbekistonda 5 ta (Шредер, 1941) turi tarqalgan.

A. triuncialis L. kelib chiqish vatani sifatida Oʻrta Osiyo mamlakatlari hamda Pokiston hududlari keltirilgan. Mazkur tur oʻzida 57 turni sinonim sifatida birlashtirgan (<https://powo.science.kew.org/taxon/urn:lsid:ipni.org:names>). Oʻzbekistonda Hisor, Kuhitang, Zarafshon, Chotqol, Chimyon, Ugam, Qurama, Nurota tizmalarida, Karjantogʻ, Boysun, Bobotogʻ togʻlarida, Toʻpalang daryosi havzalarida tarqalgan. Togʻ etaklarida, yoʻl boʻylarida, tekisliklarda, toshloq va shagʻalli yonbagʻirlarda oʻsadi. Gullashi may oyida boshlanib, iyun oyida mevalaydi.

Tadqiqotlarimiz Oʻzbekistonning turli botanik – geografik rayonlarida va Oʻzbekiston milliy gerbariysida (TASH) olib borildi. Tadqiqotlar davomida dastlab Oʻzbekiston milliy gerbariysi (TASH) fondida saqlanayotgan namunalar tahlil qilindi unga koʻra TASH fondida jami 253 ta namuna mavjud boʻlib shundan 164 tasi Oʻzbekiston hududidan terilgan qolgan namunalar Markaziy Osiyoning boshqa davlatlari hududlaridan terilgan, gerbariy namunalari asosida turning oʻsish nuqtalari aniqlandi (Rasm).

O'zbekiston o'simliklar qoplamini o'rganish borasidagi tadqiqotlarga ko'ra *Aegilops triuncialis* O'zbekistonning deyarli barcha hududlaridagi adir, quyi va o'rta tog' mintaqalarida efemerli formatsiyalarining Qo'ng'irboshli-qasmaldoqzor, Ajiriqli-qasmaldoqzor assotsiatsiyalaridagi dominant tur sifatida ifodalanadi (Гранитов и др. 1976).



Rasm: TASH fondida saqlanayotgan namunalar xaritasi (A, tadqiqot olib borilgan hudud xaritasi (B)

Hozirgi kunga qadar, turning o'simlik jamoalarida tarqalishu borasida aniq maqsadga yo'naltirilgan tadqiqotlar olib borilmagan. Turning tarqalishi hamda ularning o'simlik jamoalaridagi mo'lligi borasida ayrim tadqiqotlar amalga oshirilgan. Jumladan, Sangzor daryosi havzasi o'simliklar qoplami bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarda ushbu tur qo'ziquloqzor formatsiyasining aralash o'tli qo'ng'irboshli qo'ziquloqzor, boshhoqotli qo'ng'irboshli – qo'ziquloqzor, aralash o'tli ajiriqli – qo'ziquloqzor assotsiatsiyalarida sol mo'llikdagi ishtirokchi tur sifatida qayd etilgan (Tirkasheva, 2011).

Zominsuv havzasida olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra mazkur tur tog'larning o'rta va yuqori qismlarida aralash o'tli – sho'razor, qiltiqzor, qasmaldoqzor, qo'ng'irboshzor, aralash butazor, achchiq bodomzor va betagazor formatsiyalarining begona o'tli – efemerli – aralash sho'razor, quyonarpali – aralash sho'razor, aralash o'tli – qasmaldoqzor, yirik o'tli – rangli – qo'ng'irboshzor, oqqurayli – qasmaldoqli – qo'ng'irboshzor, zirakli – tog'karrakli – betagazor assotsiatsiyalarida sp^1 , sp^2 mo'lligidagi ishtirokchi tur sifatida keltirilgan (Botirova, 2012).

Ohangaron havzasida olib borilgan tadqiqotlarda mazkur tur efemerzor, bug'doyiqzor va qora archazor formatsiyalarining kakrali – oqqurayli – qasmoldoqzor, chitirli – kakrali – qo'ng'irboshli – yaltirboshzor, yantoqli – qasmoldoqli – quyonarpazor, aralash o'tli – efemeroidli – efemerli – bug'doyiqzor assotsiatsiyalarida sp^1 , sp^2 mo'llikdagi ishtirokchi tur sifatida qayd etilgan (Azimov, 2018).

A. triuncialis O'zbekistonning janubiy hududlaridagi o'simlik jamoalaridagi populyatsiyalari holatini baholash maqsadida 2021 – 2022 – yillarda dala tadqiqotlari olib borildi. Dala tadqiqotlari davomida *A. triuncialis* ning 9 xil o'simlik jamoasidagi populyatsiyalari holati o'rganildi.

O'rganilgan o'simlik jamoalarining geografik koordinatalari, o'simlik jamoasidagi dominant turlar, jamoaning tur tarkibi, tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi, hududlar tuprog'ining tavsifi berildi. Jamoalardagi turlar tarkibi 17 – 35 tani tashkil qildi. Yer sathining o'simliklar bilan qoplanish darajasi 21 – 80 % ni tashkil qildi (Jadval).

Yuqorida qayd etib o'tilganidek, turning 9 ta senopopulyatsiyasi o'rganildi. Dastlabki senopopulyatsiya Surxandaryo viloyati Uzun tumani Tomchi qishlog'i (Bobotog' tizmasi) hududi atrofidan ajratildi. Xududning o'simliklar jamoasi har – xil o'tli pistazordan iborat bo'lib, dengiz sathidan 699 m balandlikda joylashgan. Tuprog'i – oddiy bo'z tuproq. Jamoada 17 turdagi yuksak o'simliklar qayd qilindi. Tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 21 – 25 % bo'lib mazkur jamoada *Pistacia vera* dominantlik qilishi kuzatildi *A. triuncialis* ning jamoadagi ulushi 2 % ni tashkil qiladi.

Ikkinchi senopopulyatsiya Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani Bo'ztepa qishlog'i (Torqopchig'ay boatnik-geografik rayoni) atrofidan ajratildi. Hududning o'simliklar jamoasi har – xil o'tli yulg'unzordan iborat. Mazkur hudud dengiz sathidan 1350 m balandlikda joy-

lashgan bo'lib, tuprog'i yirik harsanglardan iborat. Jamoaning tur tarkibi nisbatan boy bo'lib, hududda 30 turdagi yuksak o'simliklar ro'yxatga olindi. Mazkur hududda tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 65-70 % ni tashkil qiladi. Ushbu jamoada *Tamarix aralensis*, *T. elongata* dominant sifatida qayd etildi, *A. triuncalis* ning jamoadagi ulushi 1 % atrofida ekanligi kuzatildi.

Uchinchi senopopulyatsiya Jizzax viloyati Turkiston tog' tizmasining Guralash dovoni atrofidan ajratildi. Hududning dengiz sathidan balandligi 817 m ni tashkil qilib, tuprog'i och rangli qo'ng'ir tuproq hisoblanadi. Hududning o'simliklar jamoasi har – hil o'tli karrakli – betagazordan iborat bo'lib, dominant sifatida *Festuca valesiaca*, *Cousinia verticillaris* turlarini alohida e'tirof etishimiz mumkin.

To'rtinchi senopopulyatsiya Surxandaryo viloyati Boysun tumani Sho'rob qishlog'i hududidan (Boysun botanik – geografik rayoni) dengiz sathidan 1240 m balandlikdagi ola jinsli tuproqda o'rganildi. Hududning o'simlik jamoasi har – xil o'tli shuvoqzor bo'lib, ushbu jamoada *Cullen drupaceum*, *Artemisia ferganensis* turlari dominantlik qilishi kuzatildi. Jamoaning tur tarkibi 15 turdan iborat ekanligi kuzatildi, tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 55 – 60 % ni tashkil qiladi.

Navbatdagi senopopulyatsiya Xar – hil o'tli qo'ng'irboshli – bodomzor jamoasi bo'lib Jizzax viloyati Molguzar tizmasidan dengiz sathidan 976 m balandlikda o'rganildi. Tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 80 % ni tashkil qildi, jamoaning tur tarkibi boy bo'lib mazkur jamoada 43 turdagi yuksak o'simliklar uchrashi qayd etildi, jamoadagi dominant turlar sifatida *Prunus spinosissima*, *Poa bulbosa* larni ko'rshatish mumkin.

Oltinchi senopopulyatsiya Qashqadaryo viloyati Yakkabog' tumani Qorayli qishlog'idan Xar – hil o'tli qo'ng'irboshli – karrakzor o'simlik jamoasida dengiz sathidan 746 m balandlikdan qo'ng'ir bo'z tuproqli hududdan o'rganildi. Jamoada 22 turdagi yuksak o'simliklar qay etildi, tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 35 – 40 % ni tashkil qildi. Mazkur jamoada *Poa bulbosa*, *Papaver pavoninum* turlarining dominantlik qilishi kuzatildi *A. triuncalis* ning jamoadagi ulushi 5 % ni tashkil qildi.

Yettinchi senopopulyatsiya Surxandaryo viloyati hududidan Boysun-Denov avtomobil yo'li yoqasida Xar – hil o'tli yantoqzor o'simlik jamoasida dengiz sathidan 1324 m balandlikdagi yirik xarsangtoshli tuproqda o'rganildi. Ushbu jamoada 15 turdagi yuksak o'simliklar aniqlandi. Tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 30 – 35 %. Mazkur jamoada *Alhagi pseudalhagi* ning dominantlik qilishi kuzatildi.

Sakkizinchi senopopulyatsiya Efemeroidli – oqqurayli – isiriqzor jamoasida Jizzax viloyati Forish tumani Tuzkon qishlog'i atrofidan dengiz sathidan 912 m balandlikdagi mayda toshli shag'alli tuproqli hududda o'rganildi. Jamoadagi dominant turlar sifatida *Peganum harmala*, *Poa bulbosa* larni ko'rsatish mumkin. Tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 30 % ni tashkil qiladi.

To'qqizinchi senopopulyatsiya Jizzax viloyati Forish tumani yuqori Osmonsoy qishlog'ida Xar – hil o'tli bodomzor jamoasida dengiz sathidan 870 m balandlikda mayda toshli shag'alli tuproqli hududda o'rganildi. Tuproqning o'simliklar bilan qoplanish darajasi 48 – 50 % bo'lib jamoaning tur tarkibida 35 ta yuksak o'simlik qayd qilindi. Jamoadagi dominant tur sifatida *Prunus spinosissima* qayd qilindi.

Jadval: O'rganilgan o'simlik jamoalarining tavsifi

№	O'rganilgan hudud	O'simlik jamoasi	Dominant turlar	Jamoadagi turlar soni	QD %	Tuprog'i	Geografik koordinalari	h, m
1	Surxandaryo viloyati Uzun tumani Tomchi qishlog'i	Xar – hil o'tli pistazor	<i>Pistacia vera</i>	17	21-25	Oddiy bo'z tuproq	N: 38,297688 E: 68,162293	699
2	Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani Bo'ztepa qishlog'i	Xar – hil o'tli yulg'unzor	<i>Tamarix aralensis, T. elongata</i>	30	65-70	Yirik xarsang toshli tuproq	N: 39,277557 E: 66,916622	1350
3	Jizzax viloyati Zomin tumani Guralash dovoni	Xar – hil o'tli karrakli – betagazor	<i>Festuca valesiaca, Cousinia verticillaris</i>	24	65-70	Och rangli qo'ng'ir tuproq	N: 39,601951 E: 68,241539	817
4	Surxandaryo viloyati Boysun tumani Sho'rob qishlog'i	Xar – hil o'tli Shuvoqzor	<i>Cullen drupaceum</i>	15	55-60	Ola jinsli tuproq	N: 38,200241 E: 66,940996	1240
5	Jizzax viloyati Molguzar tizmasi Beshkubi qishlog'i	Xar – hil o'tli qo'ng'irboshli – bodomzor	<i>Prunus spinosissima, Poa bulbosa</i>	43	80	Bo'z tuproq	N: 39,810715 E: 68,302735	976
6	Qashqadaryo viloyati Yakkabog' tumani Qorayli qishlog'i	Xar – hil o'tli qo'ng'irboshli – karrakzor	<i>Poa bulbosa, Papaver pavoninum</i>	22	35-40	Qo'ng'ir bo'z tuproq	N: 38,863118 E: 66,745612	746
7	Surxandaryo viloyati Boysun – Denov yo'li yoqasida	Xar – hil o'tli yantoqzor	<i>Alhagi pseudalhagi</i>	15	30-35	Yirik xarsang toshli tuproq	N: 38,085865 E: 67,413825	1324
LACTOBACILLUS CİNSLİ SÜD TURŞUSU BAKTERİYALARININ ANTIOKSİDANT FƏALLIĞI

V. Zulfuqarova, Z. Məmmədzadə, Ç. Babaeva, S. Ocaqverdiyeva,
Z. Cəfərov, F. Əhmədova, S. Gulahmadov*

Bakı Dövlət Universiteti, Azərbaycan Respublikası

*E-mail: sa.gulahmad6619@gmail.com

A total of 5 bacteriocinogenic LAB strains from Azerbaijani homemade samples of cheese (2 strains) and pickles (2 strains) prepared by traditional methods, as well as from breast milk (1 strain) were isolated. Their identification was carried out, and it was determined that they have a serious spectrum of antimicrobial activity and strong antioxidant activity. Considering that Lactobacillus paracasei P3-2, Lactobacillus plantarum T2-2 and Lactobacillus delbrueckii A7 strains have broad-spectrum antimicrobial and stronger antioxidant activity, they can be involved in the preparation of probiotic products with antioxidant properties.

Key words: lactic acid bacteria, bacteriocine, fermented food, antioxidant activity

Süd turşusu bakteriyaları (STB) ərzaq məhsullarının təhlükəsizliyinin qorunması, insan sağlamlığına müsbət təsiri (probiotik effekt) və s. kimi xassələrə malik olduğundan uzun müddətdir ki, maraqlı tədqiqat obyektinə çevrilmişlər. Onlar qida sənayesində müxtəlif turşsüd məhsulları, o cümlədən, pendir istehsalında əvəzolunmaz mikroorqanizmlərdir. STB özlərinin qıcqırtma qabiliyyətləri ilə digər bakteriyalardan seçilir. Onların bu xüsusiyyəti qida məhsullarının təhlükəsizliyini gücləndirməklə yanaşı, eyni zamanda onları insan orqanizmi üçün xeyirli maddələrlə zənginləşdirir, orqanoleptik xassələrinə müsbət təsir edir[2]

Məlumdur ki, süd turşusu bakteriyaları ətraf mühitdə mövcud olan zülallardan insan sağlamlığı üçün mühüm əhəmiyyətə malik müxtəlif bioloji fəal peptidlər formalaşdıran proteolitik aktivliyə malikdirlər (Panesar, 2011). Son zamanlar həyata keçirilən müxtəlif tədqiqatlar STB-nin, həm də antioksidant fəallığa malik olmasını göstərmişdir (Maryam *et al.*, 2012; Son and Lewis, 2002; Virtanen, 2007).

Azərbaycanda ənənəvi üsullarla ev şəraitində istehsal olunan turşsüd və şoraba məhsulları STB ilə zəngindir. Onlar həmin fermentasiya məhsullarının tərkibində insan orqanizminə daxil olaraq təbii probiotik kimi, bir tərəfdən həzm sistemində patogenlərin çoxalmasının qa-

rşısını alır, digər tərəfdən isə, immun sistemi stimullaşdırmaqla, xolesterolun miqdarını azaltmaq və qan təzyiqini normallaşdırmaqla, xərçəng hüceyrələri ilə mübarizə aparmaqla sağlamlığa müsbət təsir göstərir və insan ömrünü uzadırlar (Ugantsetseg and Batjargal, 2014). Bu məhsullardan izolə edilmiş STB ştamlarının probiotik xassələrinin öyrənilməsinə zəif də olsa diqqət ayrılrsa da, onların antioksidant fəallıqlarının tədqiqinə dair məlumatlara rast gəlinmir.

Tədqiqatımızın əsas məqsədi müxtəlif mənbələrdən izolə edilmiş bakteriosinogen STB ştamlarının antioksidant fəallığını tədqiq etməkdən ibarət olmuşdur.

Tədqiqat obyektini (STB mənbəyi) olaraq Abşeron rayonu kəndlərində ənənəvi üsullarla ev şəraitində istehsal olunan, hərəsindən 3 müxtəlif nümunə olmaqla, pendir və şoraba nümunələrindən, həmçinin Bakı Sağlamlıq Mərkəzində qeydiyyatda olan 3 nəfər gənc ananın südündən istifadə edilmişdir. Nümunələr, hərəsindən 100 q(ml) olmaqla steril qablara qoyulmuş və laboratoriyaya gətirilmişdir. İstifadə olunana qədər +4⁰ C-də saxlanılmışdır. Nümunələrdən fəal bakteriyaların ilkin skriningi *replika* üsulu ilə həyata keçirilmişdir. Passiv ştam kimi *Lactobacillus bulgaricus* 340 ştamından istifadə edilmişdir. Fəal bakteriyalar steril şəraitdə maye qidalı mühitə keşirilmiş və becərilmişdir. Onların antimikrob xassəli metabolitləri biokimyəvi identifikasiya edilmiş, sonra *diffuziya* üsulu ilə fəal bakteriyaların antimikrob təsir spektri müəyyən edilmişdir. Bakteriosin sintez edən ştamların identifikasiyası API 50 CHL Karbohidrat Test Sistemi (Biomerieux Co., Fransa) ilə həyata keçirilmişdir. Testlər istehsalçının göstərişinə uyğun olaraq aparılmış və nəticələr 37⁰C-də 48 saat müddətində inkubasiya edildikdən sonra incələnmişdir. STB ştamlarının identifikasiyası fermentasiya profillərinin API WEB proqramının verilənlər bazası ilə müqayisəli analiz etməklə həyata keçirilmişdir.

Pendir nümunələrindən izolə edilmiş fəal bakteriyalar "P", şoraba məhsullarından izolə edilmiş bakteriyalar "T", ana südündən izolə edilmiş bakteriyalar isə "A" kimi işarə edilmişlər.

Bakteriosinogen ştamların antioksidant xassəsi Son və Levis (2002) üsulu ilə həyata keçirilmişdir [3]. Bu üsul 2,2 – difenil-1-pikrilhidrazil (DPPH) stabil radikallarının reduksiya olunma qabiliyyətinə əsaslanır. Nümunələrin antioksidant fəallığı DPPH-in fəallığının tormozlanma faizi ilə ifadə edilmiş və aşağıdakı düsturla hesablanmışdır:

$$DPPH \text{ tormozlanma fəallığı (\%)} = [(OSyoxlama - OStəcrübi) / OSyoxlama] \times 100$$

Burada: OSyoxlama – tərkibində steril süd zərdabı olmayan DPPH məhlulunun (kontrol variant) optiki sıxlığı;

OStəcrübi - tərkibində steril süd zərdabı olan DPPH məhlulunun (təcrübi variant) optiki sıxlığıdır.

Steril süd zərdabı Virtanen və b. üsulu ilə hazırlanmışdır (Virtanen, 2007).

Tədqiqatlar nəticəsində pendir, şoraba və ana südü nümunələrindən, ümumilikdə 112 bakteriya koloniyası ayrılmış və onlardan 64 ədədinin qrammüsbət, katalazamənfi çöpşəkili bakteriyalar olması müəyyən edilmişdir ki, bu da *Lactobacillus* cinsinin təməl xassələrinə uyğun gəlir. Həmin bakteriyaların antimikrob xassəsi tədqiq edilmiş və onların 24 ədədinin fəal olması aşkar edilmişdir. Sonra bu bakteriyaların antimikrob xassəli metabolitlərinin biokimyəvi identifikasiyası həyata keçirilmiş və müəyyən edilmişdir ki, onlardan 5 ədədinin antimikrob fəallığı proteinaza K fermentinin təsirindən itir. Bu, həmin bakteriyaların antimikrob təbiətli metabolitlərinin bakteriosinəbənzər maddə olması qənaətinə gəlməsinə imkan verir. Həmin bakteriyaların ikisi (P1-3 və P3-2) pendir nümunələrindən, ikisi (T2-2, T3-1) şoraba nümunələrindən və 1 ədədi (A7) ana südü nümunələrindən izolə edilmişlər.

Sonrakı tədqiqatlarımızda bu bakteriosinogen ştamlar identifikasiya edilmiş və alınan nəticələr cədvəl 1-də öz əksini tapmışdır.

Cədvəl (1): Müxtəlif fermentasiya məhsullarından ayrılmış süd turşusu bakteriyalarının ilkin fenotipik identifikasiyası

Bakteria	API 50 CHL test	Oxşarlıq faizi
P1-3	<i>Lactobacillus phentosus</i>	94,6%
P3-2	<i>Lactobacillus paracasei</i>	98,8%
T2-2	<i>Lactobacillus plantarum</i>	99,6%
T3-1	<i>Lactobacillus salivarius</i>	94,4%
A7	<i>Lactobacillus delbrueckii</i>	99,2%

Cədvəldən göründüyü kimi, 94,4%-99,6% dəqiqliklə P1-3 *Lactobacillus phentosus*, P3-2 *Lactobacillus paracasei*, T2-2 *Lactobacillus plantarum*, T3-1 *Lactobacillus salivarius*, A7 isə *Lactobacillus delbrueckii* növünə aiddir.

İdentifikasiya edilmiş P1-3, P3-2 və A7 bakteriosinogen ştamların ciddi antimikrob təsir spektrlərinə malik olması aşkarlanmış və müəyyən edilmişdir ki, P1-3 ştamı *L. bulgaricus* 340 və *L. brevis* F145, *L. monocytogenes* 302 və *S.aureus* CIP 9973 ştamlarının inkişafını ləngitmişdir. P3-2 ştamı *L. bulgaricus* 340 və *L. brevis* F145, həmçinin *E.coli* növünə aid BAS 23355, ATCC 25922 və CIP 104368 ştamların bitməsinin qarşısını almışdır. A7 ştamı isə, *L. brevis* F145, *L. bulgaricus* 340, *L. lactis* sub. *lactis* DF04, *Listeria. innocua* CIP 80.11, *L. monocytogenes* 302 və *E. coli* CIP 104368 ştamlarına qarşı antimikrob fəallıq nümayiş etdirmişdir. T2-2 və T3-1 ştamlarının analoji xassələrinin tədqiqi davam etdirilir. Lakin, ilkin nəticələrə görə bu ştamların hər ikisi ən azı 3 müxtəlif qrammüsbət bakteriyalara qarşı fəaldırlar.

Tədqiq olunan ştamların antioksidant xassələri qismən modifikasiya edilmiş Uugantsetseg və b.(2014) modelinə uyğun olaraq, həm MRS mühitdə steril kultura mayesində, həm də 24-72 s ərzində fermentasiya edilmiş üzsüzsüdü təzə hazırlanmış zərdabında öyrənilmişdir (Uugantsetseg and Batjargal, 2014). Kontrol variant kimi steril üzsüz süddən istifadə edilmişdir. Alınan nəticələr cədvəl 2-də öz əksini tapmışdır.

Cədvəl (2): Müxtəlif fermentasiya məhsullarından ayrılmış fəal STB ştamlarının antioksidant fəallığı

Fəal süd turşusu bakteriyası ştamları	Steril kultura mayesində DPPH-in fəallığının tormozlanma faizi	Süd zərdabında DPPH-in fəallığının tormozlanma faizi	
		Fermentasiya müddəti	
		24 s	72 s
<i>Lactobacillus phentosus</i> P1-3	16,4	2,1	14,3
<i>Lactobacillus paracasei</i> P3-2	29,6	14,2	41,1
<i>Lactobacillus plantarum</i> T2-2	32,2	19,5	48,8
<i>Lactobacillus salivarius</i> T3-1	19,4	8,8	32,3
<i>Lactobacillus delbrueckii</i> A7	22,2	8,6	34,8
Üzsüz süd	7,8	8,2	8,4
Askorbin turşusu	99,2	99,3	99,2

Cədvəldən göründüyü kimi, izolə edilmiş STB ştamlarının hamısı antioksidant fəallığa malikdir. Steril kultura mayesində ştamların DPPH-in fəallığını tormozlama faizi 16,4 – 32,2 arasında müşahidə edilmişdir. Bu zaman ən aşağı fəallıq *Lactobacillus phentosus* P1-3 ştamının (16,4%), ən yüksək fəallıq isə *Lactobacillus plantarum* T2-2 ştamında (32,2%) steril kultura mayesində qeydə alınmışdır. Müqayisə üçün qeyd edək ki, monqol turşusüdü məhsulu olan ayrıqdan və Afrikanın ənənəvi fermentasiya məhsullarından izolə edilmiş STB ştamlarının analoji fəallığı, müvafiq olaraq, 26,1-38,4% və 6,3 və 33,7% intervalında müşahidə edilmişdir (Maryam, 2012; Uugantsetseg and Batjargal, 2014).

Süd zərdabında ilk 24 s qıvcırmadan sonra STB ştamlarının antioksidant fəallığı steril kultura mayesində müşahidə edilən analoji fəallıqdan əhəmiyyətli dərəcədə aşağı olmuşdur. Burada tədqiq olunan fəallıq 2,1 – 19,5% diapazonunda olmuşdur (cədvəl 2). Oxşar nəticə Uugantsetseg və b. (2014) tərəfindən zərdab fraksiyasında alınmış və antioksidant fəallıq 3,98-55,12% civarında olmuşdur (Uugantsetseg and Batjargal, 2014). Lakin, fermentasiya müddəti uzandıqca zərdab fraksiyalarında antioksidant fəallığın xeyli artması müşahidə edilmişdir. Belə ki, 72 s qıvcırmadan sonra tədqiq olunan fəallıq 14,3 – 48,8% intervalına çatmışdır. Bu zaman ən yüksək antioksidant fəallıq *Lactobacillus plantarum* T2-2 ştamında müşahidə edilmişdir. Analoji artım Uugantsetseg və b. (2014) və Məryəm və b. (2012) tədqiqatlarında da müşahidə edilmiş, lakin ən yüksək fəallıq *Lactobacillus brevis* növünə aid ştamda tapılmışdır (Maryam, 2012; Virtanen *et al.*, 2007).

Beləliklə, pendir, şoraba və ana südü nümunələrindən 5 bakteriosinogen STB izolə edilmiş, onların identifikasiyası həyata keçirilmiş və onların ciddi antimikrob fəallıq spektrinə və

güclü antioksidant fəallığa malik olması müəyyən edilmişdir. *Lactobacillus paracasei* P3-2, *Lactobacillus plantarum*T2-2 və *Lactobacillus delbrueckii* A7 şamları antioksidant fəallığa malik probiotik məhsulların hazırlanmasına cəlb edilə bilər.

Ədəbiyyat:

1. Maryam A., Abubakr S., Hassan Z. et al. 2012. Antioxidant activity of lactic acid bacteria fermented skim milk as determined by DPPH and ferrous chelating activity. *Afr. J. Microbiol. Res.* 34: 6358 – 6364.
2. Panesar P. S. 2011. Fermented Dairy Products: Starter Cultures and Potential Nutritional Benefits. *Food and Nutrition Sciences*, 2(1): 47-51.
3. Son S., Lewis, B. A. 2002. Free radical scavenging and anti-oxidative activity of caffeic acid amide and ester analogues: Structure-activity relationship. *J. Agric. Food Chem.* 50: 468-472.
4. Ugantsetseg E., Batjargal B. 2014. Antioxidant activity of probiotic lactic acid bacteria isolated from Mongolian airag. *Mongolian Journal of Chemistry* 15 (41): 73-78.
5. Virtanen T., Pihlanto A., Akkanen S. et al. 2007. Development of antioxidant activity in milk whey during fermentation with LAB. *J. Appl. Microbiol.*, 102: 106-115.

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ГРУППЫ ФИТОНЕМАТОД ВИНОГРАДНИКОВ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

А.Г. Абдурахманова, Н.С. Эргашева*, Э.Ф. Мамедшахова

Национальный университет Узбекистана, Ташкент, Узбекистан

*E-mail: ergashevanodiraxon@gmail.com

This article provides data on the nematode fauna of the vineyards of the horticultural farm named after Schroeder. The study revealed 44 species of nematodes belonging to 5 orders (Chromodorida, Enoplida, Dorylaymida, Rhabditida, Tylenchida). At the same time, all of them are presented differently both in quality and in the number of detected species.

Key words: *Phytonematodes, parasite, soil, biogeocenosis, fauna, grapes, pararisibonts, eusaprobionts, devisaprobionts, phytohelminths, necrosis.*

Фитонематоды - это многоклеточные паразитирующие на растениях, а также обитающие в почве организмы. Эти животные участвуют в гниении растительных остатков в почве, а также участвуют в процессе почвообразовании. Они также играют не последнюю роль в обмене веществ в биогеоценозе. Но кроме этого, есть такие нематоды, которые наносят большой вред растениям и животным (Кирьянова и Кралль, 1969, 1971; Тулаганов и Усманова, 1975, 1978; Эшова, 2019; Муминов и др., 2016).

Материал и методика работы. Материал для изучения фауны нематод виноградников и их прикорневой почвы собирали в садоводческом хозяйстве имени Шредера в 2011 г.

Извлечение нематод из корневой системы винограда и его прикорневой почвы производилась при помощи вороночного метода Бермана.

Результаты. Фауна виноградников характеризуется 44 видами нематод, относящихся к 5 отрядам (*Chromodorida, Enoplida, Dorylaymida, Rhabditida, Tylenchida*). При этом все они представлены различно как по качеству, так и по количеству обнаруженных видов.

Всего в корневой системе винограда обнаружены 27 видов нематод. Наиболее разнообразно представлены следующие роды: *Cephalobus, Chiloplacus, Aphelenchoides*. Некоторые виды являются единственными представителями целых родов: *Mesorhabditis monhystera, Eusephalobus striatus, Megadorus megadorus, Tylenchus davainei, Filenchus filiformis, Deladenus durus, Helicotylenchus buxophilus*.

В корневой системе обследованных виноградников обнаружены представители родов: *Xiphinema, Ditylenchus, Pratylenchus*. Сапрозойные формы представлены разнообразно. Доминировал *Cephalobus thermophilus*.

В прикорневой почве виноградников обнаружено 44 вида нематод, относящиеся к 26 родам. Среди нематод, обнаруженных в почве вокруг корней обследованных растений винограда, некоторые роды как *Xiphinema* (20-40см, 98 экземпляров), *Panagrolaimus* (20-40см, 48 экземпляров), *Chiloplacus* (20-40см, 55 экземпляров), *Aphelenchus*, *Aphelenchoides* представлены значительно больше других как по качеству, так и по количеству.

Из числа нематод, обнаруженных только в почве вокруг корней растений, следует отметить представителей следующих родов: *Plectus*, *Mononchus*, *Eudorylaimus*, *Acrobeloedes*, *Rhabditis*, *Aphelenchus*, *Aphelenchoedes*, *Tylenchus*, *Ditylenchus*, *Criconemoedes*, *Paratylenchus*.

В прикорневой системе из вредных видов зарегистрированы следующие роды: *Xiphinema*, *Ditylenchus*, *Helicotylenchus*, *Pratylenchus*.

В корневой системе и прикорневой почве отмечены представители всех экологических групп (Табл.) по классификации А.А.Парамонова (1970).

Параризобионты-свободные почвенные нематоды, живущие в почве, тяготеющие к корневой системе прямо или косвенно трофически связанные с ней. Из этой группы отмечено 12 видов, родов: *Mononchus*, *Eudorylaimus*, *Aporcelaimus*, *Xiphinema*, *Tylenchus*, *Aglenchus*, *Filenchus*.

Таблица: Экологический состав обнаруженных видов нематод в корневой системе и прикорневой почве виноградников

№	Экологические группы	Корень	Прикорневая почва в см.		
			0-20	20-40	40-60
1	Параризобионты	7(25)	8(63)	12(155)	6(37)
2	Эузапробионты	1(1)	2(11)	1(2)	-
3	Девисапробионты	7(57)	10(85)	11(177)	5(46)
4	Фитогельминты-настоящие паразиты	3(9)	3(21)	3(43)	3(20)
5	Фитогельминты-полупаразиты	9(45)	10(131)	14(130)	6(37)
Всего:		27(137)	33(311)	41(507)	20(140)

Эузапробионты-типичные сапробионты находящие благоприятные условия в среде сапробиотических очагов тканей и органов вегетирующих растений. Из них отмечены два вида: *Rhabditis brevispina*, *Mesorhabditis monhystera*.

Девисапробионты-нетипичные сапробиотические нематоды, способные использовать сапробиотическую среду как источник своего существования, но вместе с тем обладают способностью поселяться и в здоровых растительных тканях, питаясь за их счет. Из этой группы представлен 12 видов *Plectus parietinus*, *Panagrolaimus rigidus*, *Panagrolaimus subelongatus*, *Panagrolaimus longicaudatus*, *Cephalobus brevispina*, *Cephalobus thermophilus*, *Eucephalobus striatus*, *Acrobeloides butschlii*, *Acrobeloides emarginatus*, *Chiloplacus lentus*, *Chiloplacus symmetricus*, *Cervidellus insubricus*.

Фитогельминты-настоящие паразитические нематоды питающиеся за счет соков растений. Их делят на две под группы: а) фитогельминты неспецифического патогенного эффекта, встречаются в тканях растений, пораженных другими заболеваниями. Сами они не вызывают характерных признаков фитогельминтоза - заболевания растений, вызываемого фитогельминтами.

Обычно они существуют и размножаются в тканях, пораженных некрозами. С другой стороны, они единично встречаются и в здоровых тканях, из этой группы представлены 16 видов: *Aphelenchus avenae*, *Aphelenchus solani*, *Aphelenchoides bicaudatus*, *Aphelenchoides composticola*, *Aphelenchoides dactylocercus*, *Aphelenchoides helophilus*, *Aphelenchoides paryetinus*, *Megadorus megadorus*, *Sienura shteyneri*, *Ditylenchus tulaganovi*, *Ditylenchus intermedius*, *Deladenus durus*, *Helicotylenchus buxophilus*, *Paratylenchus macrophalus*; б) фитогельминты специфического патогенного эффекта, вызывающие специфические фитогельминтозы и паразитирующие только в здоровой растительной ткани, из настоящих паразитов пред-

ставлены следующие три вида: *Ditylenchus dipsaci*, *Helicotylenchus multicinctus*, *Pratylenchus pratensis*.

Выводы. На основании выше указанного следует отметить, что в качественном и количественном отношении богаче заселена прикорневая почва вокруг растений винограда (особенно на глубине 20-40 см), затем корневая система.

Корневая система винограда заселена нематодами беднее, чем прикорневая почва. Отмечено 27 видов в количестве 137 экземпляров. При изучении вертикального распределения нематод в почве были выявлены группа видов нематод, характерные определенному горизонту почвы. Наибольшее количество видов и особей отмечено в слое 20-40 см.

Обнаружение таких вредоносных нематод из рода *Xiphinema americanum*, *Xiphinema index* подтверждает исследования многих авторов, что ксифинемы предпочитают глубину 20-40 см. и редко встречаются в пахотном слое.

Литература

1. Кирьянова Е.С., Кралль Э.П. Паразитические нематоды рас и меры борьбы с ними. Изд. Наука. М.: Т.1. 1969. С. 1-357
2. Кирьянова Е.С., Кралль Э.П. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. Изд. Наука. М.: Т.2. 1971. С. 1-447
3. Муминов Б.А., Эшова Х.С., Рахимов М.Ш., Абдурахманова Г.А. Узбекистон саноат худудлари тупрокларининг умурткасиз хайвонлари. Тошкент., 2016. 184 бет.
4. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии. Том III.М., Изд-во «Наука»: 1970. С. 1-255.
5. Тулаганов А.Т., Усманова А.З. Фитонематоды Узбекистан. Т.2. Изд. «Фан». Ташкент, 1978. С. 1-144
6. Тулаганов А.Т., Усманова А.З. Фитонематоды Узбекистана. Т.1. Изд. «Фан». Ташкент, 1975. С. 1-136
7. Эшова Х.С. Meloedogune авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятлари ва хужалик ахамияти. Автореферат докторской диссертации. 2019. 45 стр.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИНГ УРУҒЛАРИ МИКРОФЛОРАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Н.Ш. Азимова^{1*}, Р.В. Қодирова², Н.С. Хайтбаева³, Қ. Давранов¹

¹ЎзР ФА Микробиология институти, Тошкент, Ўзбекистон

² Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон

³Тошкент давлат аграр университети, Тошкент, Ўзбекистон

*E-mail: azimovanodira@mail.ru

The article describes the results of studying the microflora of vegetables, i.e. tomato, sweet pepper, hot pepper and eggplant seeds. Also, information on the damage of microorganisms stored in the seeds of crops and their prevention methods is provided. When the microflora of 100 seeds of tomato, sweet pepper, hot pepper and eggplant was analyzed, it was found that 36 seeds of tomato, 22 seeds of eggplant, 17 seeds of sweet pepper, and 19 seeds of hot pepper were infected with bacteria and fungi. When the morphology of the microorganisms in the seed was studied under a microscope and determined by the MALDI-TOF method, it was found that there were bacteria belonging to the genera Bacillus, Microbacterium, Paenibacillus and fungi belonging to the genera Fusarium, Phoma, and Alternaria.

Key words: Vegetable, Seed, Phytopathogen, Bacteria, Fungus

Сабзавот экинлари қишлоқ хўжалик экинлари орасида энг кўп етиштириладиган ва иқтисодий ахамиятга эга бўлган, асосий экспортбоп экинлар қаторига киради. Республиканинг турли иқлим шароитига мос бўлган навлар етиштирилади. Сабзавот

экинларидан асосан помидор, булғор қалампири, аччиқ қалампир ва бақлажон экинлари иссиқхона ва очиқ далаларга экилади. Ушбу экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда энг аввало уруғлик материалга эътибор бериш керак бўлади. Чунки, экиш учун ажратилган уруғларда бирламчи ва иккиламчи фитопатоген микроорганизмлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу эса уруғларни ерга эккандан кейин уруғларнинг унмаслиги ёки унган уруғларнинг вегетация давомида илдизларинининг чириши ва ҳосилдорликнинг камайишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқот ишининг мақсади помидор, ширин қалампир, аччиқ қалампир ва бақлажон экинларининг энг кўп экиладиган навлари уруғларининг фитосанитар ҳолатини ўрганиш ҳисобланади. Олинган натижалар асосида ушбу экин турларини экишдан олдин касалликларини олдини олиш ва ҳимоя функциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.


Тажрибада помидорнинг “Лима” нави, бақлажоннинг “Олмос” нави, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави, аччиқ қалампирнинг “Марғилон” навларининг уруғларидан тадқиқот объекти сифатида фойдаланилди. Ҳар бир уруғ намуналаридан 100 тадан уруғ олиниб, қачон ва қаердан олингани белгиланди. Уруғнинг юзасида учрайлиган микроорганизмлардан тозалаш учун водапровод сувида ювиш воситалари ёрдамида яхшилаб ювилди. Сўнгра ташқи томондан ишлов бериш учун 70% ли этил спирти, 2-3 мл 0,1%ли натрий нитрат ва 1 мл: 5%ли натрий гипохлорид (NaOCl) дан фойдаланилди. Ташқи томондан стерилланган уруғлар стерил сувда такрорий ювилиб, Петри лycopчаларидаги картошкали агар озуқа муҳитларига жойлаштириб чиқилди (Берестецкий, 1973; Горленко, 1972; Гойман, 1954).

Петри лycopчасига экилган уруғ намуналари термостатда 23 - 25°C ҳароратда инкубация қилинди. 7 кун ўтгач, ҳар бир уруғ атрофида ҳосил бўлган замбуруғ ва бактерия колониялари маркер билан белгилаб чиқилди. Морфологик жиҳатдан фарқланган замбуруғ ва бактерия колонияларидан микологик илгак ва бактериал илмоқ ёрдамида мос равишда картошкали агар озуқа муҳити ва гўшт пептонли агар озуқа муҳити солинган Петри лycopчаларига экиб чиқилди ва уларнинг соф культуралари ажратилди. Ажратиб олинган соф культураларнинг туркумлари классик усулда (Шералиев, 1995) ҳамда Малди, “Bruker” ускунасида MALDI-TOF усулида турлари аниқланди.

Тадқиқотлар давомида помидор, булғор қалампири, аччиқ қалампир ва бақлажон экинлари уруғларининг микроорганизмлар билан зарарланганлиги маълум бўлди. Тажрибанинг 2-3 кунидан бошлаб ўрганилаётган ўсимликлар уруғларидан микроорганизмлар ўсиб чиқиши кузатила бошланди. Ҳар бир экин тури бўйича олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Жадвал (1): Сабзавот экинлари уруғларининг касалланиш даражаси

Т/р	Экин тури	Жами экилган уруғлар, дона	Шундан касалланган уруғлар сони, дона
1.	Бақлажон	100	22
2.	Помидор	100	36
3.	Ширин қалампир	100	17
4.	Аччиқ қалампир	100	19
	Жами	400	94



Бақлажон экиннинг жами 100 та уруғидан 78 та уруғ соғлом ва 22 та уруғ фитопатоген бактерия ва замбуруғлар билан зарарланганлиги аниқланди. Помидор уруғидан жами 36 та уруғ таркибидан микроорганизмлар ажралиб чиқди, қолган 64 та уруғ соғлом, ширин қалампир уруғидан жами 17 та уруғда инфекция болиги аниқланди, қолган уруғлар соғлом эканлиги кузатилди. Аччиқ қалампир уруғларида касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар кам учраши аниқланди, жами экилган 100 та уруғдан 19 тасида микроорганизм мавжудлиги маълум бўлди. Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари 1-4 расмларда ўз исботини топган.

Экиш учун сақланган уруғлардан олинган намуналардан жами 3 та авлодга масуб бактерия ва 3 та туркумга мансуб замбуруғлар борлиги аниқланди. Ажратилган микроорганизмлар морфологик жиҳатдан ва MALDI-TOF усулида аниқланганда *Bacillus*, *Microbacterium*, *Paenibacillus* авлодига мансуб бактериялар ва *Fusarium*, *Phoma*, *Alternaria* туркумларига мансуб замбуруғлар борлиги аниқланди. Ушбу микроорганизмларнинг баъзи вакиллари сабзаёт экинлари ва бошқа экин турларида касаллик қўзғатиши тўғрисида кўп маълумотлар учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилган ўсимликлар уруғларининг намуналарида фитопатоген микроорганизмлар вакиллари учраши аниқланди. Шу сабабли, очиқ ва ёпиқ грунт шароитларида экиш учун сақланадиган уруғларни соғлом ўсимликлардан олиш ҳамда уруғларга сақлаш даврида уруғдорилагич фунгицидлар ва бактерицидлар билан ишлов бериш, кимёвий воситалар билан ишлов берилмаган уруғларни экишдан 1 кун олдин биологик препаратлар билан ишлов бериб, экиш тавсия қилинади. Бу усуллар

уруғ таркибидаги инфекциянинг ривожланишига ва ўсимликларни зарарлашини олдини олишда самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Берестецкий О.А. Изучение фитотоксических свойств грибов // Методы экспериментальной микологии. Киев: Наукова думка. 1973. С. 165-175.
2. Горленко М.В. Семена как источник распространения болезней сельскохозяйственных растений // Влияние микроорганизмов и протравителей на семена. –М.: Наука. 1972. С. 11-15.
3. Гойман Э. Инфекционные болезни растений. М.: Изд-во АН СССР. 1954. 390 с.
4. Шералиев. А.Ш. Ўзбекистонда помидор ўсимлигининг фузариоз касаллигининг тарқалиши ва унга қарши кураш чоралари «Мева ва сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш технологияси». Илмий асар. тип. ТошДАУ-Тошкент, 1995. 61-65 бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН ИТУЗУМДОШЛАР (SOLANACEAE) ОИЛАСИНИНГ ДОРИВОР, ИНВАЗИВ ВА МАДАНИЙ ТУРЛАРИНИНГ ЗАМБУРУҒ ВА ЗАМБУРУҒЛАРГА ЎХШАШ ОРГАНИЗМЛАРИ

Ю.Ш. Гаффаров^{1*}, И.П.Аманиязов², Т.Х. Махкамов³, О.М. Мамарахимов⁴

¹ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент, Ўзбекистон

²Ажиниёз номидаги Нукус давлат педогогика институти, Нукус, Ўзбекистон

³Тошкент давлат аграр университети, Тошкент, Ўзбекистон

⁴Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон

*E-mail: gafforov@gmail.com

The article provides information on the distribution of fungi and fungus-like organisms in cultivated, wild and invasive species of Solanaceae family. In total, 47 Ascomycota, Basidiomycota, Chytridiomycota, Mucoromycota, Oomycota, va Plasmodiophoromycota fungi and fungus-like species belonging to eight class, 15 orders, 26 families and 37 genera have been recorded on 10 solanaceous plant species of Solanaceae in Uzbekistan. These fungi and fungus-like organism were most frequently found on Solanum lycopersicum (26 species), follow by Solanum tuberosum (20), S. melongena (8), Capsicum annuum (7), Lycium ruthenicum (6), Hyoscyamus niger (3) and other Solanum villosum, S. dulcamara, S. nigrum and Datura stramonium has two to one fungal species in the study area.

Key words: Mycobiota, Fungi, Fungus-like organism, host plants, disease.

Тахминан мавжуд 350 минг гулли ўсимлик турларидан 80 мингтаси истемол қилса бўладиган ўсимлик бўлиб, уларнинг аксарияти аҳамияти кам бўлган ўсимликлардир. Булар иқтисодий аҳамиятга эга маданий, ёввойи ва бегона ўт ўсимлик турларидир. Ҳозирги вақтда фақат 150 га яқин ўсимлик турлари тўғридан-тўғри одамлар учун озиқ-овқат ёки ҳайвонлар учун озуқа сифатида фаол равишда етиштирилади ва шулардан 12 та тури дунёдаги озиқ-овқатнинг 75% ни беради. Шундай, фойдали ўсимлик оилаларидан бири Solanaceae бўлиб, гулли ўсимликлар гуруҳининг катта оилаларидан бири бўлиб, муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Бу оила вакиллари хаётий шаклига кўра ўтсимон, бута, дарахт, лиана баъзан эпифит шаклида бўлиб, бир йиллик, икки йиллик ёки кўп йиллик тик ёки судралиб ўсувчи ўсимликлардир. Баъзиларида ер ости туганаклари (картошка) ҳам мавжуд. Дунёда 102 туркумга мансуб 2500 дан ортиқ турлари Антарктидадан ташқари барча қитъаларда тарқалган (Chidambaram ва бошқ., 2022). Solanaceae кирувчи турлар асосан Жанубий Америкада кенг тарқалган бўлиб, уларни келиб чиқиш маркази ҳисобланади (Tovar ва бошқ., 2021). Бундан ташқари турларнинг бой хилма-хиллиги бўйича Австралия ва Африка қитъалари ҳисобланади. Итузумдошлар оиласи вакиллари асосан тропик ва мўътадил минтақаларда тарқалган бўлиб, чўл минтақасидан тортиб ёмғирли ўрмонларига қадар учрайди. Уларни неотропикдан келиб чиқиши, оила вакилларининг

турли қитъаларда тарқалишига олиб келган. Итузумдошлар оиласи вакилларида халқ табобати, илмий тиббиёт, анъанавий маданият, фармакология ва манзарали боғдорчиликда фойдаланилади. Бу оиланинг баъзи турлари бутун дунёда озиқ-овқат экини сифатида жуда муҳим ҳисобланади. Масалан, 2010 йилда дунё бўйлаб 28 миллион гектар итузумдошлар озиқ-овқат экинлари етиштирилиб, қарийиб, 540 миллион тоннага яқин ҳосил олинган. Бироқ, бу фақат асосий тўртта экин тури – картошка, помидор, бақлажон ва қалампир билан боғлиқ бўлиб, қолган кўпгина маданий турлари ёки ярим маданийлаштирилган, ёввойи табиатдан йиғилган кўплаб турлари ҳам ҳисобга олинмаган. Сабаби уларнинг аксарияти етарлича даражада озиқ-овқат сифатида ишлатилмайди.

Шунга қарамай, ҳар йили итузумдошлар оиласи вакиллари турли сабабларга кўра нобуд бўлади. Бунга кўпроқ замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликлар сабаб бўлиб, жуда катта иқтисодий зарар келтиради. Бугунги кунда дунёда патоген организмларни тарқалиши ва ривожланишини олдини олиш учун кенг қамровли изланишлар олиб борилаётгани бежиз эмас. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш фақат бир давлатнинг вазифаси бўлмай, балки ушбу замбуруғ касалликларга глобал қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Сабаби ушбу касаллик қўзғатувчи замбуруғлар тарқалишида чегара билмайди. Табиийки, замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликларни олдини олиш учун ҳар томонлама тадқиқотлар олиб бориш, замбуруғларнинг ўсиши, ривожланиши ва тарқалишини ўрганиш ҳамда уларга қарши самарали чоралар ишлаб чиқиш зарур. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи қадам, албатта, касаллик келтириб чиқарувчи турларни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда тарқалган ўсимликларининг иқтисодий аҳамиятга эга экспорт қилинадиган қишлоқ хужалиги экинларининг патоген микобиотасини тақиқ этиш. Ушбу мақсадда биз 2021-2024 йилларга мўлжалланган “Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўсимликлар, экспортбоп мева, сабзавот ва полиз экинларида касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғлар: хилма-хиллиги, мониторинги ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш (Наманган ва Бухоро вилоятлари мисолида)” давлат дастурлари доирасида илмий ишларни бошладик. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг итузумдошлар оиласига мансуб ёввойи, инвазив ва маданий вакиллариининг микобиотаси ва уларда касаллик қўзғатувчи замбуруғлари ҳақида дастлабки илмий тадқиқот натижалари берилди.


Тадқиқот объекти итузумдошлар оиласи вакиллари ва уларда тарқалган касаллик келтириб чиқарувчи замбуруғлар ҳисобланади. Илмий ишлар, турли адабиётларнинг таҳлили, дала ишлари ҳамда гербарий намуналарни лаборатория шароитида қайта текшириш асосида ташкил этилди. Итузумдошлар оиласига мансуб ўсимлик турлари ва уларда тарқалган замбуруғ гербарий намуналари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институтида илмий таҳлил қилинди. Шунингдек, ўсимлик ва замбуруғларнинг морфологик текшириш ҳамда ўсимлик касалликларининг диагностика белгиларини аниқлаш ишлари ботаник, микологик ҳамда фитопатологик услубий дастурлар, аниқлагичлар ва мақолалардан фойдаланилди. Ўсимликларнинг замонавий систематикаси powo.science.kew.org (Мурожаат этилган сана: 27.04.2023 йил) ва замбуруғларнинг номлари эса indexfungorum.org (Мурожаат этилган сана: 27.04.2023 йил) асосида берилди.

Илмий изланишлар мобайнида янги терилган ва Тошкент микология гербарийси (TASM) даги замбуруғ наъмуналари ҳамда адабий манбаларни (Gafforov ва бошқ., 2022) таҳлил қилиш натижасида итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликларида Ascomycota, Basidiomycota, Chytridiomycota, Mucoromycota, Oomycota, ва Plasmodiophoromycota замбуруғ ва замбуруғсимон бўлимларига оид 8 синф, 15 тартиб, 26 оила, 37 туркумга мансуб 49 та тур учраши аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, Ascomycota (41 тур) бўлими турлар сонининг кўплиги билан кўзга ташланади. Қолган бўлимларда турлар кўйдагича учраши кузатилди: Basidiomycota (4 тур), Oomycota (3), Mucoromycota (2) ва Chytridiomycota ҳамда Plasmodiophoromycota бўлимларидан фақат биттадан тур учради. Айниқса, ўрганилаётган туманларда турлар сони жиҳатидан доминант Sordariomycetes синфи бўлиб, улар 5 тартиб, 7 оила, 10 туркумга мансуб 14 тур учраши аниқланди. Ушбу

синф вакиллари умумий микобиотанинг 28.57 % ни ташкил этди. Кейинги ўринда эса, Dothideomycetes синфи бўлиб, улар 2 тартиб, 7 оила, 9 туркумга мансуб 13 тур ёки 26.53 %, сўнгра Leotiomycetes – 8 тур ёки 16.32 % эканлиги аниқланди. Қолган синфларда учтадан биттагача тур учраб, жами 16 тур ёки улар умумий микобиотани 32.65 % ташкил қилди.

Олиб борилган илмий ишларимизга кўра тадқиқ этилаётган ҳудудда айниқса, *Alternaria* (4 тур), *Verticillium*, *Aspergillus* (3 тадан), *Botrytis*, *Golovinomyces*, *Penicillium*, *Fusarium* (2 тадан) туркумларида турлар кўп учраган бўлса, аксинча, *Fulvia*, *Septoria*, *Pleospora*, *Boeremia*, *Didymosphaeria*, *Camarosporium*, *Coniothyrium*, *Leveillula*, *Arthrocladiella*, *Sclerotinia*, *Botryotinia*, *Neocosmospora*, *Lecanicillium*, *Trichothecium*, *Strickeria*, *Berkeleyomyces*, *Dematophora*, *Phomopsis*, *Athelia*, *Rhizoctonia*, *Rhizopus*, *Mucor*, *Phytophthora*, *Pythium*, *Spongospora*, *Synchytrium* ва бошқа туркумларда эса фақат биттадан тур учраши кузатилди.

Замбуруғ ва замбуруғсимон организмларни хўжайин ўсимликларида тарқалишини таҳлил қилиш натижасида итузумдошлар оиласига мансуб 5 туркумга мансуб 10 тур ёввойи, инвазив ва маданий вакилларида тарқалганлиги қайд қилинди. Шунингдек, ушбу организмлар кўп сонда *Solanum lycopersicum* (26 тури) сўнг, *Solanum tuberosum* – 20, *Solanum melongena* – 8, *Capsicum annuum* – 7, *Lycium ruthenicum* – 6, *Hyoscyamus niger* – 3 тур учраган бўлса, *Solanum villosum*, *S. dulcamara*, *S. nigrum* ва *Datura stramonium* ўсимликларида фақат биттадан тур учраши аниқланди (1-расм).



Расм (1): Замбуруғ ва замбуруғсимон организмларни итузумдошлар оиласи вакилларида тарқалиш кўрсаткичи

Ўзбекистонда ҳозирга кунга қадар итузумдошлар оиласи вакилларида замбуруғ ва замбуруғсимон организмларнинг 49 тури учраши аниқланди. Айниқса, *Solanum lycopersicum* ва *S. tuberosum* ўсимлик вакилларида турли маданий навларида касаллик келтириб чиқарувчи патогенларни кўп тарқалганлиги кузатилди. Ушбу аниқланган патоген организмлар асосан ўсимликларнинг баргларида турли доғлар, чириш ва сулиш каби касалликларни қўзғатаётгани қайд этилди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики иқтисодий аҳамиятга эга бўлган итузумдошлар оиласининг *Solanum* туркумининг маданий ва ёввойи турларида турли касалликларнинг учраши аниқланди. Шу боис *Solanum* туркуми микобиотаси устида чуқур тадқиқотлар олиб бориш долбзарб эканлигини кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Chidambaram, K., Alqahtani, T., Alghazwani, Y., Aldahish, A.A., Annadurai, S., Venkatesan, K., Dhandapani, K., Thilagam, E., Venkatesan, K., Paulsamy, P., Vasudevan, R., Kandasamy,

G., 2022. Medicinal plants of *Solanum* species: the promising sources of phyto-insecticidal compounds. J. Trop. Med. 2022, 4952221.

2. Gafforov Y., Teshaboeva Sh., Kholmuradova T., Makhkamov T., Abduboyeva N., Abdurazakov A., Normakhamatov N., Rapior S., Ghosh S. Biodiversity of fungi and fungus-like organism on *Solanum* species in Uzbekistan // 3rd International Eurasian Mycology Congress. – Van, Turkey. 2022. – P. 217-218

3. Tovar, J.D., André, T., Wahlert, G.A., Bohs, L., Giacomini, L.L., 2021. Phylogenetics and historical biogeography of *Solanum* section *Brevantherum* (Solanaceae). Mol. Phylogenet. Evol. 162, 107195.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТАРҚАЛГАН *FRAGARIA* *VESCA* L. ДАГИ ЗАМБУРУҒ КАСАЛЛИКЛАРИ

М.М.Иминова¹, Д.Б.Набиева^{2*}, И.М. Мустафаев¹, М.Б. Тўрабоев¹

¹ЎзРес ФА Ботаника институти, Тошкент, Ўзбекистон

²Андижон давлат университети, Андижон, Ўзбекистон

*E-mail: bio_nabiyeva@mail.ru

*The article presents information about fungal diseases found in *Fragaria vesca*, which is widespread in the Namangan region.*

Key words: *fungus, disease, namangan, ramulariasis, gray rot*

Кулупнай - кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, суғориладиган ерларда 2-4 йил давомида яхши ҳосил беради. У аҳолини эрта баҳорда витаминларга бой мева билан таъминлайди ва иммунитетни кучайтиради. Унинг меваси қанд, органик кислоталар, туз, темир, фосфор, кальций, А, В, С витаминларга, барглари эса аскорбин кислотасига бой. Баҳор ва ёз ойларида меванинг ўзи истеъмол қилинса, қишга ундан мураббо ва шарбатлар тайёрлаб қўйилади. Мазкур резаворни ҳамма бирдек севиб истеъмол қилади.

Ўзбекистонда етиштириладиган резаворлар орасида кулупнай майдони ва ҳосилдорлиги бўйича биринчи ўринда туради. Кулупнай етиштириш учун ажратилган майдонлар бўйича Самарқанд, Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятлари етакчилик қилмоқда. Хозирда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларига кулупнай экспорти амалга оширилмоқда (<https://www.agro.uz/ru/11-0147>). Тарихий маълумотларга қараганда кулупнайнинг ватани Америка қитъаси бўлиб, милoddан аввалги асрларда ҳам одамлар кулупнай етиштириш билан шуғулланишган. Йиллар ўтиб кулупнай нафақат мазали резавор мева, балки шифобахш экани ҳам маълум бўлган. Дунё бўйича кулупнайнинг 300 та тури мавжуд. (<https://sttm.uz/qulupnay-hushtam-rezavor-meva>).

Хозирги кунда ушбу кулупнай ўсимлигида замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликлардан фузариоз, альтернариоз, кулранг чириш, доғланиш ва бошқа касалликлар кўплаб учрамоқда. Ушбу касалликлар меваларига, гулларига, барглари ва илдиз қисмларига таъсир қилади. Баъзида ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келади. Натижада ўсимликнинг ҳосилдорлиги камайишига ва сифатига таъсир қилади. Шу сабабли, Наманган вилоятида шароитида кулупнайда учрайдиган микромицетлар хилма-хиллигини аниқлаш, хўжайин ўсимликларни зарарлаш сабабларини ўрганиш, уларни инвентаризация қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Материал ва методлар. Ушбу мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Микология ва альгология лабораторияси илмий ходимлари томонидан 2021-2024 йилларга мўлжалланган “Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўсимликлар, экспортбоп мева, сабзавот ва полиз экинларида касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғлар: хилма-хиллиги, мониторинги ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш” мавзусидаги лойиҳа дастури бўйича олиб борилган микологик тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналари манба бўлиб хизмат қилди. Замбуруғни тур таркибини таҳлил қилишда Moticam N-300M микроскопидан фойдаланилди. Замбуруғларни табиий шароитдаги расмларини олишда Canon 750D рақамли

фотоаппаратидан фойдаланилди. Аниқланган замбуруғларнинг номларини замонавий номенклатураси www.indexfungorum.org, хўжайин ўсимликларнинг номлари эса <http://rowo.science.kew.org/> базаси маълумотлари асосида берилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Илмий изланишлар давомида Наманган вилояти бўйича олиб борилган дала тадқиқотлари натижаларига кўра экспортбоп қулупнай ўсимлигидан Ascomycota бўлимининг *Botrytis* P. Micheli ex Pers. Туркуми ва *Ramularia* Unger туркуми вакиллари учраганлиги аниқланди.

Қуйида Наманган вилояти ҳудудида иқтисодий аҳамиятга эга бўлган *Fragaria vesca* да тарқалган замбуруғ касалликлари, уларнинг белгилари ва тарқалиши бўйича маълумотлар келтирилди.

Қулупнайнинг рамуляриоз касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси: *Ramularia grevilleana* (Tul. & C. Tul. ex Oudem.) Jørst

Касалликнинг белгилари: Касаллик барглар юзасида думалоқ бинафша рангли доғлар билан бошланади. Каттароқ баргларда доғлар сарғиш ёки кулрангдан оқ рангга ўзгаради. Қиррали қизил бинафша рангдан занглаган жигаррангга киради. Ёш баргларда эса оч жигарранг бўлиб қолади. Баргларнинг пастки юзасида доғлар пайдо бўлиши мумкин, аммо ранги унчалик сезиларли бўлмайди. Агар доғлар бирлашса, барглар нобуд бўлиши мумкин. Одатда пастки барглар қуриydi (1-расм).

Тарқалиши: Наманган вилояти: Учқўрғон тумани, Фарҳод ф/х, Чуст, Тўрақўрғон.

Қарши кураш чоралари: Касалликнинг кўпайиб кетмаслигини олдини олиш учун, ҳимоя чораларидан далани зарарланган барглардан тозалаш лозим. Янги қулупнай кўчатларини экиш вақтида эса касалликнинг белгилари йўқ соғлом кўчатлар ишлатилади.





1-расм. Рамуляриоз билан касалланган қулупнай барглари

Қулупнайнинг кулранг чириш касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси: *Botrytis cinerea* Pers.

Касалликнинг белгилари: Ушбу касаллик кулранг чириш деб аталади. Замбуруғ жигарранг ёки кулранг доғлар қоплами резаворлар устида пайдо бўлади. Доғлар тезда бутун қулупнайни қоплайди ва уни дарҳол чиритади. Кулранг чириш касаллиги билан кўчатлар ораси қалин бўлганда, ортиқча суғориш ишлари олиб борилганда қулупнай тез касалланади (Ҳасанов 2010), (2-расм).



2-расм - Қулупнайнинг қулранг чириш касаллиги: А,Б - касалланган мевалар, В,Г - замбуруғдан олинган тоза культуранинг микроскоп остидаги кўриниши

Тарқалиши: Наманган вилояти: Учқўрғон тумани, Фарҳод ф/х, Тўрақўрғон тумани, Куйимозор қишлоғи.

Қарши кураш чоралари: Қулранг чиришга қарши кураш, шунингдек, Бордо суюқлигининг 1 % ли эритмаси билан қулупнайни баҳорги профилактик даволашдан бошлади. Чиришдан таъсирланган ўсимликнинг барча қисмларини олиб ташлаш керак. Агар ўсимлик жиддий зарарланган бўлса, уни бутунлай олиб ташлаш лозим. Мунтазам равишда бегона ўтларни олиб ташлаш, шунингдек янги агротехнологияларни қўллаш керак бўлади.

Адабиётлар

1. <https://www.agro.uz/ru/11-0147/> (Мурожаат этилган сана: 17.03.2023 йил).
2. <https://stm.uz/qulupnay-hushtam-rezavor-meva> (Мурожаат этилган сана: 17.03.2023 йил).
3. <https://www.indexfungorum.org/names/Names.asp> IndexFungorum. indexfungorum.org (Мурожаат этилган сана: 10.03.2023 йил).
4. <https://powo.science.kew.org/> Kew science Plants of the World online. powo.science.kew.org (Мурожаат этилган сана: 10.03.2023).
5. Мустафаев И.М. Нурота қўриқхонаси юксак ўсимликлари микромицетлари. Биол. фан. бўйича фалсафа [PhD] доктори дисс. автореферати. – Тошкент. 2018. – 20 б.
6. Нуралиев Х.Х. Юксак ўсимликлари микромицетлари: Автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1998. –18 б.
7. Ҳасанов Б.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, 2010, 316 б.

АНТРОПОГЕН ИФЛОСЛАНГАН ҲУДУДЛАР МИКРООРГАНИЗМЛАРИ БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ

А.М. Мавжудова*, Л.И. Зайнитдинова, Н.А. Лазутин,
Д.И. Қосимов, Р.Б. Эргашев, Т.Б. Хегай
ЎзР ФА Микробиология институти, Тошкент, Ўзбекистон
*E-mail: mavjudovaa@bk.ru

The development of various associations of microorganisms in anthropogenic zones (soil and effluents) containing pollutants entering the treatment plant with effluents has been studied. It has been established that the development of certain groups of microorganisms is suppressed. Dozens of cells of heterotrophic bacteria were found in the soils and wastewaters of these anthropogenic niches. The dynamics of changes in the number of bacteria in wastewater during the seasonal survey during the year was traced. The analysis showed that a persistent microcenosis is found here, where there are denitrifiers, ammonifiers, both non-spore-bearing and spore-bearing oligonitrophils, fungi, yeast. The growth rate of bacteria has been determined. It has been shown that microbial communities (bacteria, actinomycetes, fungi) are developing, carrying out the gradual oxidation of toxic compounds.

Key words: wastewater, microorganisms, microbiocenosis, destructor bacteria, associations of microorganisms.

Атроф-муҳитни, жумладан, тупроқ, сув, атмосферани турли хил саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ҳозирги кунда дунё бўйича глобал муаммо ҳисобланади. Саноат корхоналари атмосферага организм учун зарарли бўлган азот оксиди, олтингурут, фенол, аммиак, ацетон каби заҳарли моддаларни чиқаради. Хаво, тупроқ, сув, озик-овқат маҳсулотларининг юқоридаги зарарли моддалар билан ифлосланиши аҳоли орасида турли юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Ифлосланиш натижасида нафақат инсонлар ҳаётида, балки тупроқларда ҳам катта микробиологик ўзгаришлар содир бўлади. Бугунги кунда, дунёнинг экологик муаммоларидан бири урбанизациялашаётган ҳудудларда чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан қутилишдир, аксарият ҳолларда кўплаб чиқиндилар ёқиб юборилмоқда ва бунинг натижасида экологик зарарларга дуч келинмоқда (Голов ва Тимофеева, 2005). Тупроқдаги микроорганизмлар ёрдамида чиқиндилар маълум даражада парчаланаяди, айримлари парчаланмайди. Тупроқда микроорганизмлар сонини кўпайтириш орқали тупроқ хоссаларини яхшилаш мумкин. Тупроқдаги микроорганизмларнинг сони ўзгарувчан бўлиб, уларнинг ўзгариши эса антропоген омилларга боғлиқдир. Антропоген ифлосланишга энг сезгир тупроқ микроорганизмлари бўлиб, улар бактериялар, актиномицетлар ва замбуруғлар ҳисобланади (Куркина, Дедков ва бошқ., 2017).

Антропоген омиллар инсон фаолиятининг табиатга бўлган таъсирининг турли шакллари билан боғлиқ бўлган экологик жараёнлар ҳисобланади. Улар физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий омиллардан иборат:

1. Физик – атом энергиясидан фойдаланиш;
2. Кимёвий – минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланиш;
3. Биологик – озик-овқат маҳсулотлари ва қувват манбаи;
4. Ижтимоий – инсон муносабатлари ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган омиллар.

Шаҳарнинг турли ҳудудларида кўпгина маиший чиқиндихоналар жойлашган бўлиб, бу чиқиндихоналарга (озик-овқат қолдиқлари, текстил маҳсулотлари, темир, қоғоз, дарахт чиқиндилари ва ҳоказолар) ташланади (Гуман, 2003). Маиший чиқиндилар билан ифлосланиш натижасида тупроқда оғир металлларнинг миқдори ортади ва ифлосланиш юзага келади (Романова ва Намазова, 2008). Маиший чиқиндиларнинг пайдо бўлишида асосан: кўп қаватли уйлар, дўконлар, овқатланиш шаҳобчалари, меҳмонхоналар, боғчалар, мактаблар, ўқув юртлари, шифохоналар ва шаҳарлар ҳудудидаги кўпгина саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар алоҳида ўрин тутаяди (Kunhadi ва Atmajawarti, 2018).

Ҳозирги вақтда ифлосланган оқава сувлар ва тупроқларни тозалаш муаммоларини ҳал қилишнинг биологик усуллари устувор ҳисобланади. Биодеструкция органик ифлослантирувчи моддалар билан ифлосланган тупроқ тизимларини рекултивация қилиш технологияларида энг истиқболли йўналиш ҳисобланади (Хенце ва бошқ., 2006).

Тадқиқотчиларнинг ишларида (Илялетдинов ва Алиева, 1990) турли хил ифлослантирувчи моддаларни йўқ қилишга қодир микроорганизмларнинг хилма-хиллиги ва тур таркиби келтирилган, улар орасида *Pseudomonas* авлодининг спорасиз таёқчалари, *Xanthomonas*, *Zoooglaea*, *Micrococcus* авлодлари устунлик қилган.

Тозалаш иншоотларига кирадиган оқава сувлар одатда жуда заҳарли ҳисобланади. Уларни кимёвий ифлослантирувчи моддалардан ва аналогларидан тозалашдаги экологик-ҳимоявий ўрни деструктор-микроорганизмлар гуруҳига тегишлидир. Биоремедиациянинг мавжуд усулларида муқобил равишда кўп компонентли саноат оқава сувларини тозалашда экологик жиҳатдан мақбул ва мос микробиологик усул хизмат қилиши мумкин (Илялетдинов ва Алиева, 1990). Ифлосланган субстратларни тозалашда микроорганизмлардан кимёвий реагент сифатида фойдаланиш муаммолари микробиология фанининг энг замонавий йўналишларидан биридир. Фаол ил микроорганизмларининг оксидловчилик фаолиятига асосланган биокимёвий усул барқарор таркибга эга бўлган маиший-хўжалик оқава сувларни зарарсизлантиришда ўзини оқлайди (Дмитренко ва Гвоздяк, 2002).

Селектив озуқа муҳитидан фойдаланган ҳолда турли саноат оқава сувлари ценозлари таркибини ўрганишда уларда *Pseudomonas*, *Alcaligenes*, *Bacillus* авлодларининг бактериялари устунлик қилиши ва *Flavobacterium*, *Carynebacterium* кўп учраши аниқланган. Эҳтимол, ушбу микроорганизмлар популяциясининг муҳим қисми турли хил ифлослантирувчи моддаларни йўқ қилишга қодир, бу уларнинг деструктив фаоллиги ва ўсиш тезлигининг кенг доираси билан боғлиқ. *Pseudomonas fluorescens* бактерияларининг маълум штамми, ароматик нитробирикмаларни парчалайди ва оқава сувларни тозалаш учун ишлатилади (Lopez et al, 2005).


Таркибида турли хил кимёвий бирикмалар бўлган оқава сувлар жуда заҳарли ҳисобланади. Уларни ифлосланишдан тозалашда асосий экологик ва ҳимоя роли гетеротроф деструктор-микроорганизмлар гуруҳига тегишлидир (Хенце ва бошқ., 2006, Аминова, 2019).

Тозалаш иншоотларига келувчи оқава сувлар ва ифлосланган тупроқларнинг микробиоценозлари таркибини, маҳаллий микрофлора билан ўзаро таъсир қилиш шароитида ҳамда табиий ва антропоген омиллар таъсирида биологик ремедиация жараёнларидаги ўзгаришларни ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий микробиология учун катта илмий қизиқиш уйғотади.

Тадқиқот материали ва методлари. Тадқиқот объекти бўлиб, Бўзсув тозалаш станциясининг маҳаллий оқава сувлари ва унинг атрофидаги ифлосланиш жойидан турли масофаларда жойлашган худудлар хизмат қилди: 1-худуд – 50 м, 2-худуд – 100 м, 3-худуд – 200 м. Оқава сувлар ва тупроқда микроорганизмлар сони ҳисобланди ва умумий қабул қилинган микробиологик усулларга мувофиқ электив озуқа муҳитига экиб қуйидаги микроорганизмлар ассоциациялари ажратилди: гўшт-пептонли агарда (ГПА) – аммонификаторлар, сусло қўшилган ГПАда (1:1) – спорали аммонификаторлар, Гильтай муҳитида – денитрификаторлар, Виноградский муҳитида – нитрификаторлар, Эшби муҳитида – олигонитрофиллар, крахмал-аммиакли муҳитда – актиномицетлар, Чапек муҳитида – микроскопик замбуруғлар, суслоли агарда – ачитқилар. Яшовчан хужайралар сони қаттиқ озуқа муҳитига кетма-кет суюлтириш усули билан экиш орқали аниқланди (ишончлилик коеффициенти 0,95).

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Оқава сувларни ва ифлосланган тупроқларни микробиологик ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг таркиби бактерияларнинг қатъий таркибидан шаклланади. Концентрланган оқава сувлар микроорганизмларнинг ўрганилаётган гуруҳлари учун ҳалокатли ҳисобланади. Оқава сувларда ўнлаб хужайралар топилди. Биологик тозалаш босқичлари ўтказилаётганда бактерияларнинг таркиби ортганлиги кузатилди.

Умумий оқава сувлар микроорганизмлар ассоциацияларининг миқдорий ҳисоби ва туташ ер участкаларида уларнинг сони ва хилма-хиллиги аниқланди (1-расм).



Расм (1): Оқава сувлар ва кучсиз ифлосланган тупроқлардаги бактериялар миқдори, минг/мл.

Гўшт-пептонли агарда ва суло қўшилган гўшт-пептонли агарда ўсадиган спорасиз ва спорали аммонификатор бактерияларнинг кўплиги аниқланди, бу эса бактерияларнинг азотли бирикмаларни парчалаш қобилиятининг ошишидан далолат беради. Ушбу озуқа муҳитлардаги микроорганизмлар сони мос равишда 100-510 минг/мл, 0,8-52,1 минг/мл га етди, бу адабиёт маълумотларига мос келади (Иллялетдинов ва Алиева, 1990), ушбу маълумотлар маиший оқава сув аммонификация учун субстрат ташувчилигини ва натижада бу гуруҳ микроорганизмлари сонининг кўпайишини кўрсатади.

Олигонитрофиллар ҳам кўп учради. Уларнинг сони экологик муҳим даражага яқинлашди. Синтетик озуқа муҳитида ўсадиган кўплаб бактерияларнинг аниқланиши уларнинг ўсиши, синтетик бирикмаларни, шу жумладан, қийин парчаланадиган моддаларни ўзлаштириш ва парчалаш қобилиятини кўрсатади. Оқава сувлардаги денитрификаторлар сони 60 минг/мл, тозалашдан кейин эса 42,0 минг/мл ни ташкил этди.

Кейинги тажрибаларда йил давомида мавсумий текшириш жараёнида оқава сувлардаги бактериялар сонининг ўзгариши динамикаси кузатилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўрганилаётган оқава сувларда денитрификаторлар, спорасиз ва спорали аммонификаторлар, олигонитрофиллар, замбуруғлар ва ачитқилар мавжуд бўлган доимий микроценоз аниқланди (1-жадвал).

Жадвал (1): Умумий оқава сувлардаги микроорганизмлар сонининг мавсумга қараб ўзгариши, минг/мл

Микроорганизмлар ассоциацияси	Оқава сувларда микроорганизмлар миқдори			
	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
Умумий оқава				
Аммонификаторлар	670,0	118,0	126,0	68,0
Споралилар	4,3	1,0	1,8	0,3
Олигонитрофиллар	290,0	211,0	227,0	148,0
Актиномицетлар	179,0	165,0	198,0	149,0
Микроскопик замбуруғлар	65,0	17,0	29,0	5,2
Ачитқилар	5,0	1,0	0,5	0,1

Бироқ, йил фаслига ва келувчи оқава сувларнинг турига боғлиқ равишда, шаклланган бактериал ценоз сақланиб қолишига қарамай, уларнинг сони ўнлаб ёки юзлаб марта камаяди (2-жадвал). Ўзгарувчан об-ҳаво шароити ва кирувчи оқава сувларнинг табиати туфайли турли таркибга эга.

Жадвал (2): Биологик тозалашдан сўнг оқава сувлардаги микроорганизмлар сонининг мавсумий ўзгариши, минг/мл

Микроорганизмлар ассоциацияси	Оқава сувларда микроорганизмлар миқдори			
	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
Биологик тозалашдан сўнг				
Аммонификаторлар	610,0	29,0	117,0	163,0
Споралилар	5,6	4,2	1,6	0,9
Олигонитрофиллар	202,0	148,0	172,0	164,0
Актиномицетлар	196,0	152,0	121,0	87,0
Микроскопик замбуруғлар	16,0	21,0	18,0	10,9
Ачитқилар	1,2	0,2	0,06	0,003

Шундай қилиб, антропоген зарарланиши юқори бўлган шаҳарлардаги захарли моддалар билан ифлосланган ҳудудларнинг экологик майдонларида микроорганизмларнинг турли хил ассоциацияларини ўрганиш кескин экстремал шароитларда (токсик моддаларнинг юқори миқдорида) микробиологик жараёнлар секинлашишини аниқлашга имкон берди. Бактериялар сони экологик аҳамиятга эга даражага етиб бормайди. Бироқ уларнинг баъзиларида захарли бирикмаларни аста-секин оксидлайдиган кўп миқдордаги микроб популяцияси (бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар) ривожланади.

Хулоса. Турли хил қийин парчаланувчи бегона бирикмаларнинг деградациясида микроорганизмларнинг иштироки барчага маълум. Парчаланган моддаларнинг табиатига қараб, тозалашда ҳар хил турдаги микроорганизмлар иштирок этади, бу айниқса, кучли ифлосланган оқава сувларни тозалашда яққол намоён бўлади. Бу ишда оқава сувларни тозалаш иншоотлари ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг микроорганизмлар таркибининг ўзгариши кузатилди. Мавсум давомида ифлослантувчи моддаларнинг кўплиги ва оқава сувларнинг хилма-хиллиги микроорганизмларнинг тур таркибини пасайтиради ва уларнинг таркибига ноаниқ таъсир кўрсатади. Оқава сувларни биологик тозалашдан кейин ҳам микроорганизмларнинг кенг доираси, жумладан, спорали ва спорасиз бактериялар, микроскопик замбуруғлар ва ачитқилар аниқланди.

Адабиётлар:

- 1.0Kunhadi D.B., Atmajawati Y. Improving Skills to Managte Household Waste in Wonokromo Urban Village, Surabaya, Kontribusia, Vol. 1, Issue 1, 2018. ISSN 2614-1582. E-ISSN 2614-1590. P. 43-46.
- 2.0Lopez L., Pozo C., Roddas B., Calvo C., Juarez B. Identification of bacteria isolated from an oligotrophic lake with pesticide removal capacities // Ecotoxicology. – 2005. – 14, №3. P. 299-312.
- 3.0Аминова Альфия Фатыховна. Разработка способа очистки фенолсодержащих сточных вод: дис. канд. тех. наук. – Уфа, 2019. – 130 с.
- 4.0Голов В.И., Тимофеева Я.О. Экологические проблемы использования бытовых и производственных отходов в качестве удобрений и возможности самоочищения почв от ксенобиотиков и тяжелых металлов. Вестник ТГЭУ. 34. 2005. С.100-105.
- 5.0Гуман О.М. Экологический мониторинг на полигонах твердых бытовых и промышленных отходов. Записки Горного института. Т.53. 2003. С. 58-60.
- 6.0Дмитренко Г.Н., Гвоздяк П.И.. Биотехнология очистки высококонцентрированных сточных вод от органических растворителей // Журнал Химия и технология воды. – 2002. – Том 24. – №2. – С. 185-190.
- 7.0Илялетдинов А.Н., Алиева Р.М.. Микробиология и биотехнология очистки промышленных сточных вод // АН КазССР, Ин-т микробиологии и вирусологии. – Алма-Ата: Гылым, 1990. – 223 с.
- 8.0Куркина М.В., Дедков В.П., Климова Н.Б. Основные данные о некоторых группах микроорганизмов почвах города Калининграда. Москва. 2017. -С. 3-4.

9.0 Романова Е.М., Намазова В.Н. Региональные особенности несанкционированных свалок твердых бытовых отходов Ульяновской области. Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 7(45), 2008. С. 50-55.

10.0 Хенце М., Армозс П., Ля-Кур-Янсен Й., Арван Э. Очистка сточных вод. Биологические и химические процессы. – М.: Мир, 2006. – 471 с.

СКРИНИНГ И ПОЛУЧЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ШТАММОВ МИКРООРГАНИЗМОВ – СУПЕРПРОДУЦЕНТОВ БИОСУРФАКТАНТОВ

А.А. Махсумханов*, Б.Х. Алимова, О.М. Пулатова, М.Р. Шарифов, М.У. Сайлиев, Х.Т. Вохидов, И.М. Саидова, Т.М. Ишанходжаев

Институт микробиологии АН РесУз, Ташкент, Узбекистан

*E-mail: amakhsun@mail.ru

We conducted research on the isolation and screening of biosurfactant-producing microorganisms. During the research, microorganisms belonging to the genus Rhodococcus, Bacillus, Acinetobacter and Lactobacillus were isolated. In the experiments, qualitative and quantitative methods were used to determine the biosynthesis of BS, and actively producing strains of BS were selected.

Key words: *screening, biosurfactants, glycolipids, degradation, emulsification index, mutagenesis.*

Биосурфактанты представляют собой широкий спектр поверхностно-активных органических соединений различной структуры, продуцируемых многочисленными прокариотическими и эукариотическими микроорганизмами. Эти соединения обычно секретируются внеклеточно или локализованы на поверхности микробных клеток и состоят из амфифильных молекул, в которых гидрофобная часть может включать кислоту, моно-, ди- или полисахариды, пептидные катионы или анионы, тогда как гидрофобная часть может состоять из насыщенных или ненасыщенных жирных кислот. БС обычно группируются в соответствии с их химической структурой, молекулярной массой и механизмом действия. Наиболее изученными БС являются гликолипиды, такие как рамнолипиды, трегалолипиды, софоролипиды и липиды маннозилэритрита, и липопептиды, такие как сурфактин и фенгицин (Cappelletti *et al.*, 2020; Eras-Muñoz *et al.*, 2022). В настоящее время производство синтетических поверхностно-активных веществ, получаемых из нефтепродуктов составляет примерно 13 миллионов тонн ежегодного. Чтобы добиться более конкурентоспособной роли БС на этом огромном рынке ПАВ, необходимы штаммы суперпродуценты БС, подбор оптимальных питательных сред для биосинтеза максимального количества БС (Nurfarahin *et al.*, 2018; Алимова и др., 2022).

В связи с этим, целью настоящего исследования является скрининг и получение промышленных штаммов микроорганизмов – суперпродуцентов биосурфактантов.

Материалы и методы. Для скрининга микроорганизмов (бактерий, грибов и дрожжей) продуцентов БС были использованы штаммы бактерий, хранящиеся в коллекции Института микробиологии АН РУз. Штаммы бактерий, выделенные как из загрязнённых, так и незагрязнённых нефтепродуктами образцjd почв и сточных вод, в частности были использованы штаммы бактерий, выделенные их сточных вод АО «Navoiyazot», из замазученных сточных вод Бухарского НПЗ, с нефтегазовых скважин Кашкадарьинской области. Культуры дрожжей были выделены из загрязнённых почв Сурхандарьинской, Кашкадарьинской и Ташкентской областей. Видовую принадлежность выделенных чистых культур определяли по белковому спектру на приборе EXS2600 MALDI-TOF-MS (ZyBio, Китай). Выделенные чистые культуры микроорганизмов хранили при -80 °C в 10 % глицерине.

Скрининг бактерий продуцентов БС проводили по нескольким общепринятым тестам. Тест на растекание нефти, тест на СТАВ-агаре, тест на гемолитическую активность

по методу Госвани и Дека. Эмульгирующую активность (ЭА) выражали как оптическую плотность (ОП) эмульсии при 540 нм. Индекс эмульгирования (ИЭ) определяли и рассчитывали, как процентное отношение объёма слоя образовавшейся плотной эмульсии к общему объёму жидкости по методике Купера и Голденберга. БС экстрагировали с использованием метил *тер*-бутиловый эфиром (МТБЭ), а также с различными органическими растворителями такими как хлороформ, метанол, этилацетат. Для идентификации БС использована тонкослойная хроматография (ТСХ). Содержание гликолипидных БС определяли по концентрации сахаров колориметрическим методом после взаимодействия с фенол-серноокислотным реактивом, а также по содержанию белка методом Лоури.

Для скрининга **бактерий рода *Bacillus*** на способность синтезировать БС, штаммы выращивали на модифицированной минеральной среде (МСМ) (Сайлиев М. У. и др. 2022). **Биосинтез БС бактериями рода *Rhodococcus*** изучали на среде Таусона с 2% н-гексадеканом, на среде *Rhodococcus surfactant* (RS), а также на среде ПСБС (Алимова и др., 2022). Способность штаммов **бактерий рода *Acinetobacter*** синтезировать БС изучали на минерально-солевой среде (MSM), где в качестве источника углерода использовали глюкозу, глицерин или гексадекан в различных концентрациях (Ohadi, Mandana *et al.*, 2017). **Биосинтез БС бактериями рода *Lactobacillus*** изучали на среде MRS (Саидова И.М. и др. 2023). Чистые культуры дрожжей выращивали на минеральной среде (MSM) (Ahmed *et al.*, 2019).

Мутагенез бактерий рода *Rhodococcus*, *Bacillus* и *Acinetobacter* проводили в Институте ядерной физики АН Республики Узбекистан. Для мутагенеза использовали возрастающие дозы γ -излучения с мощностью экспозиционной дозы 0,05 Гр/с, в качестве источника излучения использовался ^{60}Co , междозовый интервал составлял (20 кГр; 15 кГр; 10 кГр; 5 кГр; 2 кГр).

В результате проведённых исследований по способности микроорганизмов синтезировать БС отобрано 2 штамма бактерии рода *Bacillus* (*BS H6/4/1* и *BS 9/2B*), 4 штамма бактерии рода *Rhodococcus* (*Rhodococcus erythropolis RE07*, *Rhodococcus ruber HN4*, *Rhodococcus rhodochrous 2/5* и *Rhodococcus pyridivorants 2/3/6*), 3 штамма дрожжей (№5, № 2, №102), 2 штамма бактерий рода *Lactobacillus*, а также 2 штамма относящиеся к роду *Acinetobacter*. Изучение эмульгирующих свойств выделенных штаммов показало, что выделенные чистые культуры обладали достаточно высокой эмульгирующей активностью (51-68%).

Среди бактериальных продуцентов БС бактерии рода *Bacillus* отличаются способностью создавать наиболее низкое межфазное натяжение между углеводородами и водной фазой, что необходимо для мобилизации нефти. При качественном скрининге 29 штаммов с использованием тестов на вытеснение нефти, у 7 штаммов зона вытеснения нефти варьировала от 5 до 30 мм, максимальная зона вытеснения нефти наблюдалась для штаммов *BS H6/4/1* и *BS 9/2A* и составила 30 и 27 мм, соответственно. Следует отметить, что для штамма *BS H6/4/1* вытеснение нефти наблюдалось уже через 24 часа культивирования.

При качественном скрининге 50 штаммов с использованием тестов на вытеснение нефти, у 5 штаммов зона вытеснения нефти варьировала от 5 до 20 мм, максимальная зона вытеснения нефти наблюдалась для штаммов *Leuconostoc mesenteroides Q1* и *Enterococcus faecium R3*, и составила 20 и 18 мм, соответственно. По результатам исследований штаммы не обладали способностью вызывать гемолиз на среде с кровяным агаром, однако при использовании других методов скрининга дали положительный результат (рис.1).




Рисунок (1): Скрининг бактерий рода *Bacillus* *BS H6/4/1* и *BS 9/2B* и молочнокислых бактерий по анализу вытеснения.

При выращивании штаммов на выше указанных питательных средах выход БС штаммами бактерий рода *Bacillus* BS H6/4/1 и BS 9/2B составил 1.4 и 0.95 г/л сухого БС с ИЭ более 50%. Показано, что штаммы бактерий лучше синтезировали БС на среде, где в качестве источника углерода использовали глицерин, а качестве источника азота мочевины. Для бактерий рода *Rhodococcus* для биосинтеза БС подобрана модифицированная питательная среда ПСБС с 2% гексадеканом выход БС на этой среде варьировал от 2.5 до 3.5 г/л. Для бактерий рода *Lactobacillus* при культивировании на среде MRS выход БС составил 1.2 и 1.5 г/л. Для штаммов бактерий, относящихся к роду *Acinetobacter* при культивировании на среде с концентрацией гексадекана 4% выход БС составил 1.0-1.2 г/л.

Для получения высоко активных штаммов продуцентов БС был проведен мутагенез бактерий рода *Rhodococcus*, *Bacillus* и *Acinetobacter* γ -облучением. Экспериментально установлено, что для бактерий рода *Rhodococcus* повышенный биосинтез БС наблюдался в дозах облучения от 2 до 5 кГр. Максимальный ИЭ наблюдался для мутантных изолятов (M1 RE 07 - 2/3) и (M2 343 - 3/1) и составил более 80%. Так для штамма (M3 RHA - 3/3) при дозе облучения 3 кГр ИЭ составил 75%. При культивировании мутантных изолятов на модифицированной среде ПСБС выход БС составил более 4 г/л, так для штамма ((M3 RHA - 3/3) он составил 4.4 г/л, тогда как для штамма (M1 RE 07 - 2/2) - 4.8 г/л. В результате мутагенеза наблюдалась прямая зависимость выживаемости изолятов от величины поглощенной дозы облучения. Показано что γ -облучение до 5 кГр для бактерий рода *Rhodococcus* не является летальной. Полная инактивация штаммов наблюдалась в дозах облучения 10-20 кГр ингибирование роста отмечалось в образцах, подвергнутых облучению в дозе 10 кГр (Alimova *et al.*, 2023).

В процессе мутагенеза бактерий рода *Bacillus*, выделено 9 изолятов, при качественном скрининге на СТАБ агаре, с использованием теста на растекание нефти, выделенные изоляты проявили БС активность.

При проведении мутагенеза штаммов бактерий рода *Acinetobacter*, было обнаружено, что штамм не устойчив к выше указанным дозам γ -облучения.

Таким образом в результате скрининга природных и мутантных штаммов микроорганизмов отобраны активные штаммы продуценты БС, на основе выделенных сурфактант образующих штаммов будут созданы новые композиции биопрепаратов для применения их в очистке окружающей среды, в сельском хозяйстве, а также в фармацевтике и медицине.

Литературы

1. Alimova B., Pulatova O., Makhsumkhanov A., Davranov K. Study of the Different Gamma-Irradiation Doses Effect on the Survival and Biosurfactant Activity of Bacteria Genus *Rhodococcus*. (2023) *Journal of Survey in Fisheries Sciences* – 10 (2S). – P.1464-1469
2. Ahmed M. Eldin, Zeinat Kamel, Nermeen Hossam. Isolation and genetic identification of yeast producing biosurfactants, evaluated by different screening methods (2019) *J. Microchemical Journal* – V.146. – P.309 – 314. <https://doi.org/10.1016/j.microc.2019.01.020>
3. Cappelletti M., Presentato A., Piacenza E., Firrincieli A., Turner R.J., Zannoni D. (2020) Biotechnology of *Rhodococcus* for the production of valuable compounds. *J. Appl Microbiol Biotechnol.* – V.104. – P.8567–8594. <https://doi.org/10.1007/s00253-020-10861-z>
4. Eras-Muñoz E, Farré A, Sánchez A, Font X, Gea T. Microbial biosurfactants: a review of recent environmental applications (2022). *J. Bioengineered.* – V.13(5) – P.12365-12391. doi: 10.1080/21655979.2022.2074621.
5. Nurfarahin AH, Mohamed MS, Phang LY. Culture Medium Development for Microbial-Derived Surfactants Production—An Overview. (2018) *J. Molecules.* – V.23(5). – P.1049.
6. Ohadi, Mandana, Dehghan-Noudeh, Gholamreza, Shakibaie, Mojtaba, Banat, Ibrahim Pournamdari, Mostafa Forootanfar, Hamid. Isolation, characterization, and optimization of biosurfactant production by an oil-degrading *Acinetobacter junii* B6 isolated from an Iranian oil excavation site. (2017) *J. Biocatalysis and Agricultural Biotechnology.* – V.12 – P.1-9. <https://doi.org/10.1016/j.bcab.2017.08.007>.
7. Алимова Б.Х., Пулатова О.М., Махсумханов А.А., Мирзаев Т.Ш., Давранов К.Д. Пер-

спективы использования микробных биосурфактантов. (2022) *O'ZBEKISTON BIOLOGIYA JURNALI* – № 2. – С 14-24.

8. Алимова Б.Х., Пулатова О.М., Шарифов М.Р., Сайлиев М.У., Махсумханов А.А., Давранов К.Д. Биосинтез биосурфактантов бактериями рода *Rhodococcus* на различных источниках углерода. (2022) *Ж.Вестник Каршинского государственного университета* – №3/1 – В. (53) – С.135-139.

9. Сайлиев М. У., Вохидов Х. Т., Алимова Б.Х., Пулатова О.М., Махсумханов А.А., Давранов К.Д. Выделение и скрининг бактерий рода *Bacillus* – продуцентов биосурфактантов. (2022). *Ж. UNIVERSUM: ХИМИЯ И БИОЛОГИЯ* – №9 – В. (99)

10. Саидова И.М., Маматраимова Ш.М., Бекмуродова Г.И., Амирсайдова Д.А., Алимова Б.Х., Пулатова О.М., Махсумханов А.А., Давранов К.Д. Выделение и скрининг молочнокислых бактерий – продуцентов биосурфактантов. (2023) *O'ZBEKISTON BIOLOGIYA JURNALI* . – № 1. – С 14-24.

МИГРАЦИЯ ГЕЛЬМИНТОВ МЕЖДУ ДИКИМИ И ДОМАШНИМИ ПТИЦАМИ И ЗАКОНОМЕРНОСТИ ЦИРКУЛЯЦИИ ИХ В БИОЦЕНОЗАХ

Х.Т.Тангиров, Н.Х.Тангирова, Ж.Нормуродов, З.Бойбуриева*

Термезский государственный университет, Термез, Узбекистан

*E-mail: boyburiyevazebo@gmail.com

This article explains the rules of exchange of helminthes between domestic powetry and wild birds. Also information about the circulation of helminths in different biocenosis is included

Key words: *Helminth, extent of damage, intensivity of damage, parasite, synanthropic, anthropogenic, fauna*

Богатая фауна птиц Узбекистана, обитающих в различных ландшафтах, для которых свойственны характерные природные условия, обуславливает большое разнообразие видового состава их гельминтов. Многочисленные дикие птицы, часто меняют место обитания, и это способствует резервации и распространению гельминтов. Они переносят их на территории различных птицеводческих хозяйств, участвуя в формировании здесь очаговых инвазий.

По собственным исследованиям и данным литературы среди паразитирующих гельминтов у диких и домашних птиц Узбекистана в общем насчитывается 53 вида, из которых 23 вида гельминтов являются возбудителями серьезных гельминтозов и приносят значительный ущерб птицеводческим хозяйствам Республики (Тангирова, 1993) (Тангировой и др., 2021); (Тангировой и др., 2022); Среди диких птиц наибольшее количество общих паразитических червей имеют индийский и обыкновенный скворец, черная ворона, полевой воробей, большая и малая горлицы, черный дрозд и другие.

Экстенсивность инвазии птиц отдельными видами паразитических червей составляет 12-28%, интенсивность инвазии колеблется в пределах 1,8-27,1 % экземпляров.

Особенности сезонной динамики связаны с наличием в природе промежуточных хозяев гельминтов, к которым относятся в основном жуки (*Dila laevicolis*, *Allolobophora fassiiensis*, *A. caliginosa*, *Eisenia rosea* *Gonocophalum pubiferum*, *Tenebrio molitor*), мокрицы (*Porcellio scaber*, *P. lavis*, *P. fedtshenoi*, *Armadillum vulgare*), дождевые черви и некоторые другие представители фауны беспозвоночных.

Высокие показатели зараженности гельминтами зарегистрированы у индийского скворца и черной вороны (ЭИ 70,7-92,4%, ИИ 9,4-17,6%).

Для конкретизации роли отдельных видов птиц в распространении гельминтозной инвазии основываясь на данных по особенностям их экологии, степени инвазии теми или иными видами гельминтов, а также некоторых других показателей мы выделили следующие группы:

- Гельминты в распространении которых основную роль играют домашние птицы *Echinostoma revolutum*, *Prosthogonimos ovatus*, *Notocotylus attenuates*, *Raillietna tetragona*,

Screabinia cesticilus, *Choanotanea infundibulum*, *Ascaridia galli*, *Getarakis gallinarum*, *Capillari obsignata* и др;

- В целом процесс миграции гельминтов между дикими и домашними птицами в последнее время активизируются постоянные места обитания кормления, ночлега. Большинство видов диких птиц, часто переносятся на территории, расположенные в родственной близости к хозяйственно используемым участкам населенных пунктов. Во многом этому способствуют социальные мерориты по освоению и мелиорации новых земель и другие антропогенные воздействия на прородную среду;

- Миграция паразитических червей между дикими и домашними птицами экологически взаимосвязана с особенностями циркуляции гельминтов в биоценозах и представляет собой единое целое;

- Закономерности циркуляции гельминтов имеют немаловажное значение для понимания путей формирования паразитофауны определенных биоценозов и паразитоценоза того или иного хозяина, обитающего в этих условиях и принципов регулирования природно-очаговых паразитарных систем;

- Подводя итог приведенных данных отмечаем что в циркуляции различных паразитических червей в биоценозах участвуют 23 вида дефинитивных хозяев среди диких и домашних птиц, 12 видов промежуточных, дополнительных и резервуарных хозяев, состоящих из представителей беспозвоночной и позвоночной фауны;

- Для осуществления циркуляции того или иного вида гельминта в биоценозе кроме эпизоотологической цепи **гельминт – окончательный хозяин, промежуточный хозяин** и проходящих в синтетический фактор является и синхронность появления во внешней среде достаточного количества и инвазионного начала и восприимчивых к инвазии птиц, а также постоянные и устойчивые связи между окончательными и промежуточными хозяевами гельминтов и другими компонентами участвующими в циркуляции гельминтов. В целом видно, что в сложных механизмах становления паразитарных систем участвуют многочисленные сочлененные биоценозы каждый из которых является неотъемлемой частью формирования того или иного состава гельминтофауны.

Литература

1. Khasan Tangirov, Nodira Tangirova “ Biodiversity of Bird Helminths in Nature and Transformed Biocenoses of Uzbekistan”. Journal of Pharmaceutical Negative Results. volume 13. Special Issue 8. 2022. St. 2405-2406.

2. Тангиров Х.Т. Экологический мониторинг гельминтов массовых видов диких и домашних птиц Узбекистана. Автореферат кандидатской диссертации. Ташкент. 1993.

3. Тангирова Н.Х., Тангиров Х.Т., Сапаров К.А. Ўзбекистоннинг жанубий худудларидаги товуксимонлар (*Galliformes*) нинг гельминтофаунаси (монография). Термиз. 2021.

4. Nodira Tangirova, Khasan Tangirov, Kalandar Saparov “ Molecular Genetic of Helminths of Southern Uzbekistan Chickens (*Galliformes*).” Journal of Pharmaceutical Negative Results. Volume 13. Special. Issue 8. 2022. St. 2407-2413.

5. Tangirova Nodira Xasanovna Development cycle of *Eucoleus Annulatus* (Molin, 1858) in nematodes. Asian Journal of Multidimensional Research. Vol 10, Issue 6, 2021. Page. 109-113.

6. Kh.T.Tangirov, N.Kh.Tangirova Biological Properties of Cestodes *Choanotaenia infundibulum* (Bloch, 1779). Texas Journal of Multidisciplinary Studies. 21-11- 2021. St. 203-204.

НАМАНГАН ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА ТАРҚАЛГАН ОЛМА (MALUS MILL) ДАРАХТЛАРИНИНГ ПАТОГЕН ЗАМБУРУҒЛАРИ ВА УЛАР ҚЎЗҒАТГАН КАСАЛЛИКЛАРИ

Ш.А.Тешабоева¹, Д.Б.Набиева^{2*}

¹ЎзР, Ботаника институти, Тошкент, Ўзбекистон

²Андижон давлат университети, Андижон, Ўзбекистон

E-mail: bio_nabiyeva@mail.ru

The article presents information about pathogenic fungi of the genus Malus, common in Namangan and Bukhara regions, and the diseases they cause.

Key words: *fungus, powdery mildew, Alternaria, scab, putrefactive disease, entomosporiosis*

Malus Mill. туркуми турлари – раъногулдошлар (Rosaceae) оиласига мансуб барг тўқувчи дарахтлар ёки буталар туркумига кирувчи меваси уруғли дарахтдир. Ўзбекистонда олмazorлар мева дарахтлари экиладиган майдоннинг 65% дан кўпроғини ташкил этади. Олманинг 500 та нави стандарт нав бўлиб, улар турли табиий шароитларда синаб кўрилмоқда. Биологик хусусиятларига кўра олманинг тур ва навлари бир-бирдан фарқ қилади, муҳит ва шароитга осон мослашади. Бугунги кунда дунё миқёсида олма етиштириш ялпи ҳажми 80,5 млн тоннадан ортиқ бўлиб, етакчи ўринларни Хитой (44,45 млн тонна), АҚШ (4,65 млн тонна), Польша (3,60 млн тонна) ва Туркия (2,93 млн тонна) эгаллаб келмоқда (Иминова, 2022). Олма экиладиган мевали дарахтлар орасида майдони жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ўрта Осиё, Шарқий Осиё ва Кавказда 10 тури тарқалган (Абдуразаков, 2021). Ўзбекистонда 8 тури ёввойи ҳолда учрайди. Дунё бўйича етиштириладиган навларнинг асосий қисми хонаки *Malus domestica* турига киради. Олма совуққа чидамли, ёруғсевар ва намсевар, тупроқ танламайди, лекин унумдор тупроқларда юқори ҳосил беради. Олма дарахти бўйи 15 м гача боради. Ўзбекистонда Олма апрель ойидан бошлаб гуллайди. Гули 5 бўлакли, гултожибарги оқ, пушти, айримлари қизил бўлади. Меваси, навига қараб, июндан октябр ойигача пишади. Бир дона меваси вазни 15 г дан 400 г гача боради. Таркибида фруктоза 6,5-11,8%, сахароза 2,5-5,5%, органик (олма ва лимон) кислоталар 0,2 - 1,6%, витамин С 5-30 мг, пектин, ошловчи моддалар ва бошқалар мавжуд бўлади (Намозов, 2021). Олма ўсимлиги уруғидан ҳамда пайвандлаш йули билан ва илдиз бачкиларидан кўпайтирилади. Олма дарахти кўчати кузда ва баҳорда 30-60 см чуқурликда ҳайдалган ерга экилади, ерга ўтказилганидан кейин 4-5 йил ўтгач, ҳосилга киради, 40-50 йил мўл ҳосил беради. Олма ўсимлиги 1 йилда 130-300 ц/гача ҳосил беради, олма дарахти 90-100 йилгача яшайди. (Юсупов, 2009). Халқ табобатида олма меваларидан камқонликда даво учун, қабзият ва меъда ширасида кислоталар етишмаганда ҳазм системаси ишини аслига келтириб, равонлаштириш учун фойдаланилади. Олмада калий тузлари бўлганлигидан уни юрак касалликларида ҳам буюрилади. Ниҳоят, баъзи касалликларда олмадан парҳез масаллиқ сифатида фойдаланилади. Олма кишининг кўнглини очиб, руҳини тиклаштиради (Усманходжаев, 2018).

Ўзбекистонда юксак ўсимликларда тарқалган замбуруғлар ўрганилган бўлиб, айнан, *Malus* турларида бир нечта микромицетларнинг учраши ҳақида қисқа маълумотлар берилган. Масалан, Н.И. Гапоненко 1965 йилда “Обзор грибов Бухарской области”, Ю.Ш.Ғаффоров 2005 йилда «Наманган вилояти юксак ўсимликларининг микромицетлари» мавзусидаги диссертацияларида Наманган ва Бухоро вилоятида тарқалган микромицетлар ҳақида маълумотлар қайд этишган (Гапоненко, 1965), (Ғаффоров, 2005). Аммо ушбу манбалардаги маълумотлар Республикамизда тарқалган *Malus* Mill. туркумининг табиий турлари ва маданий навларининг микобиотаси ҳақидаги билимларни тўла ёритиб бера олмайди. Хорзирги кунда Республикамизда, хусусан Наманган ва Бухоро вилоятларида *Malus* ўсимлигида турли хил замбуруғ касалликлари вужудга келмоқда. Табиий доривор ўсимликлар, дарахт ва буталарнинг микобиотасини ўрганиш ва замбуруғ касалликларини аниқлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада *Malus* турларида тарқалган замбуруғ ва уларнинг касалликлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадқиқот материали ва методлари. Ушбу мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Микология ва альгология лабораторияси фондидаги ҳамда, ушбу лаборатория илмий ходимлари ва докторантлари томонидан 2021- 2024 йилларга мўлжалланган “Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўсимликлар, экспортбоп мева, сабзавот ва полиз экинларида касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғлар: хилма-хиллиги, мониторинги ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш” мавзуси бўйича давлат дастурида олиб борилган микологик тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналари манба бўлиб хизмат қилади. Замбуруғни тур таркибини таҳлил қилишда Motiscam N-300M микроскопидан шунингдек, аниқлагичлар илмий мақолалар ва интернет манбаларидан фойдаланилди (Гапоненко, 1983), (Abdurazakov, 2021). Шунингдек, замбуруғларнинг замонавий номенклатураси (indexfungorum.org), ўсимликларнинг номлари (powo.science.kew.org) асосида берилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Илмий изланишлар мобайнида Тошкент микология гербарийси (TASM) даги замбуруғ намуналари ва илмий адабиётларнинг таҳлили ҳамда ўзимизнинг дала тадқиқотларимиз натижасида Наманган ва Бухоро вилоятларида тарқалган иқтисодий аҳиятга эга *Malus* Mill. туркуми вакилларида Ascomycota ва Basidiomycota бўлимига кирувчи 5 синф, 11 тартиб, 15 та оила, 23 туркумга мансуб 27 тур замбуруғ учраши аниқланди. Олиб борилган микологик таҳлилларимизга кўра доминант бўлим Ascomycota бўлими бўлиб, улар 3 синф, 7 тартиб, 11 оила, 16 туркумга мансуб 20 турдан иборат эканлиги аниқланди. *Monilinia*, *Podosphaera*, *Venturia*, *Alternaria*, *Pleospora*, *Coniothecium*, *Coniothyrium*, *Sporocadus*, *Fusarium*, *Cytospora*, *Diplodia*, *Diplocarpon*, *Plenodomus*, *Botryosphaeria*, *Stegonsporium*, *Tetracoccosporium* туркумларига мансуб замбуруғ турлари учраши аниқланди. Шунингдек, кам сонларда базидияли (Basidiomycota) замбуруғлар бўлиб, фақат 7 тур *Inonotus*, *Lentinus*, *Fomes*, *Irpiciporus*, *Sarcodontia*, *Mycoacia*, *Gymnosporangium* туркумлари турлари учраши қайд этилди.

Наманган ва Бухоро вилоятлари худудларида иқтисодий аҳамиятга эга бўлган *Malus* ўсимлигида тарқалган замбуруғ касалликлари, уларнинг белгилари ва тарқалиши бўйича маълумотлар келтирилди.

Ун- шудринг касаллиги. Касаллик қўзғатувчиси: *Podosphaera leucotricha* (Ellis & Everh.) E.S. Salmon. Касалликнинг белгилари: Касаллик асосан барг, новда ва гулларга тушади. Куртақдан чиққан ёш барглар ва барг бандлари оқиш кулранг ёки унсимон ғуборлар билан қопланади. Кейинчалик барглар яхши ривожланмай қайиқсимон бўлиб қолади. Соғлом барглар 1-3 катталигига етмасдан тўкила бошлайди. Тўкилиш июн ойининг биринчи ярмида бошланса, август ўрталарида зарарланган баргнинг 50 фоизи тўкилиши мумкин. Зарарланган новдалар ҳам оқ ёки кулранг ғуборлар билан қопланади, кейинчалик бу ғуборлар қорая бошлайди, буларда жуда кўп сонли қора нуқта шаклида замбуруғ мева танаси ҳосил бўлади. Тўпгулларда касалликнинг белгиси оқ ғуборларни гул баргларида, гул косаларида, гул бандларида ҳосил қилишидир. Касалланган гуллар умуман мева ҳосил қилмайди. Мевалар зарарланса уларнинг сирти тўр билан қопланади, натижада мевалар яхши ўсмайди. Касалланган мевалар эса мазасини йўқотиб, чиришга мойил бўлиб қолади. Агар мевалар барвақт зарарланса мева тугунлари тўкилиб кетади. Касаллик тушган органларда ҳосил бўлган оқ, кулранг, сарғиш ғуборлар замбуруғнинг споралари бўлиб, улар шамол ва ҳашаротлар ёрдамида жуда тез тарқалиб, соғлом ўсимлик органлари ва дарахтларга юқтиради. Касаллик чақирувчи замбуруғ касалланган куртақларда мицелий ҳолида қишлайди. Қишлаб чиққан мицелий эрта баҳорда ўсиб конидиялар ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам зарарланган куртақлардан ҳосил бўлган барг ва тўпгул ғунчалари оқ ғубор билан қопланади. Бу ғуборлар бутун ўсимликнинг ривожланиши даврида касалликни тарқатувчи ўчоқ бўлади. Бизнинг Республикамиздаги оби ҳаво шароити бу патоген замбуруғ учун жуда қулайдир. Бу касаллик билан асосан мева бераётган катта дарахтлар, кўчатлар қаттиқ зарарланади.

Тарқалиши: Наманган вилояти: Учқўрғон, Косонсой, Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Чуст. Альтернариоз касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси: *Alternaria mali* Roberts

Касалликнинг белгилари: касаллик ўсмиликнинг мева ва барглари зарарлайди. Уларнинг дастлабки белгилари баҳор ойида барглarning қуюқ жигррангда майда, юмалоқ доғлар ҳосил қилади, кейинчалик эса касаллик ривожланиши билан доғлар катталашади.

Тарқалиши: Наманган вилояти: Учқўрғон тумани.

Парша (калмараз) касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси: *Venturia inaequalis* Fuckl.

Касалликнинг белгилари: Олма боғларида парша кенг тарқалган касалликлардан биридир. Касаллик қўзғатувчи замбуруғ олмани барги, мева банди, гули меваси ва новдасини зарарлайди. Баҳор серёгин бўлганда мева бандларида ва тугунчаларида майда қорамтир доғлар ҳосил бўлади ва уларнинг сирти қўнғир ғубор билан қопланади. Ёгингарчилик меъёрида бўлганида касаллик белгилари барг ва меваларда намоён бўлиб, барг сиртида қўнғир ғуборлар билан қопланган доғлар юзага келади. Кейинчалик бу барглар қуриб, тўкилиб кетади.

Тарқалиши: Бухоро вилояти: Шофиркон, Олот, Вобкент, Бухоро, Ғиждувон.

Наманган вилояти: Учқўрғон, Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон.

Тана чириш касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси: *Inonotus hispidus* (Bull.) P. Karst

Касалликнинг белгилари: Замбуруғ бир йиллик бўлиб, толда, теракда, ёнғоқда шунингдек, бошқа мевали дарахтларда ўсиб, уларнинг ўзак қисмида оқ чириш касаллигини келириб чиқаради. Замбуруғнинг мева танаси аввал юмшоқ, ривожланиши давомида қаттиқлашиб боради. Замбуруғнинг меватанаси катта, бир йиллик, елпиғичсимон, туёқсимон. Бошқа пўкак замбуруғлардан фарқли равишда мева танасининг юзаси дағал туқлар билан қопланган. Уларнинг мева тана ҳосил қилиш даври Ўзбекистон шароитида май ойидан бошланади.

Тарқалиши: Наманган вилояти: Мингбулоқ, Косонсой, Учқўрғон.

Энтоспориоз касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси: *Entomosporium maculatum* Lev.

Касалликнинг белгилари: олмада энтоспориоз яъни барглarning қўнғир доғланиш касаллиги деб аталади. Касаллик барглarning юзасида дастлаб бир оз кўтарилган кичик нуқталар, кейинчалик эса доғлар катталашади. Улар диаметри 3-4 ммда думалоқ қўнғир доғлар билан қопланган бўлади.

Тарқалиши: Наманган вилояти: Поп, Учқўрғон.

Наманган ва Бухоро вилоятларида ҳозирги кунга қадар *Malus* Mill. туркум турларида аскомицет ва базидиомицет замбуруғларнинг 21 тури учраши аниқланди. Олиб борилган микологик тадқиқотларга кўра *Malus* туркум турларида *Monilinia* (*M. linhartiana*, *M. fructicola*), *Alternaria* (*A. mali*, *Alternaria* sp), *Coniothecium* (*C. epidermidis*, *C. variegatum*), ва *Cytospora* (*C. carphosperma*, *C. capitata*) туркум турлари сони жихатидан кўп учраши аниқланди.

Шундай қилиб, Наманган ва Бухоро вилоятларида *Malus* туркум турларида ун-шудринг, альтернариоз, парша, тана чириш, энтоспориоз касалликларини келтириб чиқариши аниқланди.

Адабиётлар

1. Abdurazakov A., Bulgakov T. S., Kholmuradova T. N., Gafforov Yu. Sh. Powdery mildew fungi (Erysiphaceae) of the Fergana Valley (within Uzbekistan): a first annotated checklist. *Novosti sistematiki nizshikh rastenii*. 2021 55(1): - P. 55 - 78.

2. Абдуразаков А.А., Холмурадова Т.Н., Ғаффоров Ю.Ш. Фарғона водийсида тарқалган олма (*Malus* spp.) дарахтининг замбуруғлари // Современные проблемы биологических исследований: Сборник научных статей по материалам международной научно-практической конференция. - Карши.2021. - С.8-11.

3. Абдуразаков А.А., Ғаффоров Ю.Ш. Виды рода *Diplodia* на деревьях и кустарниках Ферганской долины. *Узбекистан биология журналы*. - Тошкент, 2020. - Б.21-24.

4. Гапоненко Н. И. 1965. Обзор грибов Бухарской области. – Ташкент: 114 с.
5. Гапоненко Н.И., Рамазанова С.С., Сагдуллаева М.Ш., Киргизбаева Х.М. Флора грибов Узбекистана Т. I. Мучнисторосянные грибы. – Ташкент: Фан, 1983, – 360с.
6. Иминова М.М., Набиева Д.Б., Холмурадова Т.Н., Оллаберганова М.М. Ўзбекистон ҳудудида *Malus Mill.* Туркуми вакилларида учраган *Podosphaera leucotricha* (Ellis & Everh.) E.S. Salom замбуруғи ҳақида маълумотлар // Хорзм Маъмун академияси ахборотномаси. - Хива, 2022.-№5/1.-Б.64-67.
7. Намозов И.Ч., Нормуратов И.Т.. Пакана бўйли олма етиштириш. «Агробанк» АТБ.-Тошкент: Тасвир, 2021. - 84 б.
8. Усманходжаев А., Баситханова Э.И., Пратов Ў.П., Джаббаров А. Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий Энциклопедияси. Ташкент.2018.-239 б.
9. Юсупов А.Х., Марупов А. Боғ ва токзорларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш.- Тошкент, Талқин, 2009-118 б.
10. Гаффаров Ю.Ш. Юсак ўсимликларининг микромицетлари: Биол. фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. –19 б.
11. <https://www.indexfungorum.org/names/Names.asp> Index Fungorum. indexfungorum.org (Мурожаат этилган сана: 10.03.2023 йил).
12. <https://powo.science.kew.org/> Kew science Plants of the World online. powo.science.kew.org (Мурожаат этилган сана: 10.03.2023).

ЎЗБЕКИСТОНДА *PUCCINIA XANTHII* ЗАНГ ЗАМБУРУҒИНИНГ ИНВАЗИВ *XANTHIUM* ТУРКУМ ТУРЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ

**И.Ю. Ўринбоев¹, Ш.А. Тешабоева², А.А. Абраззоқов⁴, Т.Х. Махкамов³,
Ю.Ш. Гаффаров^{2*}**

¹ Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон

²ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент, Ўзбекистон

³Тошкент давлат аграр университети, Тошкент, Ўзбекистон

⁴ Андижон давлат университети, Андижон, Ўзбекистон

*E-mail: gafforov@gmail.com

The article presents scientific information on the distribution of Puccinia xanthii on invasive plant species of Xanthium. Also, this rust fungus first time recorded on Xanthium strumarium in Tashkent region.

Key words: *Puccinia xanthii*, *Xanthium*, *Asteraceae*, *rust disease*, *invasive plant species*.

Xanthium (қўйтикан) – қоқидошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимликларни ўзида тутувчи туркум ҳисобланади. Гуллари бир уйли ва бир жинсли найчасимон шаклга эга. Кенг тарқалган тури *Xanthium strumarium* бўлиб, Осиёнинг мўътадил минтақаларида, Кавказ, Шимолий Америка ва Марказий Осиёда ёввойи ҳолда ўсади. Дарё қирғоқлари ва ариқлар бўйларида, чиқиндихоналар яқинида, йўллар бўйида, пахта ва бошқа экинлар орасида ўсади. Пояси шохланган, қаттиқ, текис, қизғиш ёки кулранг-яшил рангда бўлиб, 30-120 см. баланликка етади. Барглари уч-беш бўлаккли, юраксимон, четлари нотекис, барглари остки қисми оч яшил, юқори қисми эса яшил рангда, узунлиги 10 см гача боради (Губанов ва бошқ. 2004).

Ўсимликта боғат даял лиғланишга қарши, антисептик таъсирга эга. Қалқонсимон безни камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, мевалари ва уруғлари ҳамда илдизларининг қайнатмаси қонли диарея ҳамда диарея учун фойдаланилади. Барглاردан тайёрланган шарбати Марказий Осиё ҳудудида томоқ спазмлари, астма ва геморройни даволаш учун қўлланилади. Унинг шарбати ва қайнатмаси тери касалликларида, тошмалар ва томоқ шишишида ташқи восита сифатида қўлланилади. Лекин ундан ички ишлатилишида еҳтиёткорлик билан фойдаланиш талаб қилади. (Губанов ва бошқ. 2004.).

Ҳиндистонда 1978 йилда *Xanthium* тури ўсимликларининг занг замбуруғи билан


касалланиши Nikandrow томонидан ўрганилган (Nikandrow ва бошқ., 1990). Шунингдек, Хитойда биринчи марта 1991 йилда аниқланган. Бу ўсимлик қишлоқ хўжалиги экинларига ва чорвачиликка салбий таъсир кўрсатади. Занг касаллиги 2013 йил август ойида *Xanthium strumarium* L. да биринчи марта таби аниқланган (Zhao ва бошқ. 2014.). *Xanthium strumarium* ўсимлигидаги занг замбуруғи биринчи марта 2019 йилда Жазоирда аниқланган (Abdessemed ва бошқ. 2019).

Ўзбекистонда биринчи марта 1995 йилда Нуралиев томонидан Қашқадарё вилоятида *Puccinia xanthii* занг замбуруғини инвазив *Xanthium strumarium* ўсимлигида учраши ҳақида маълумотлар берган (Нуралиев, 1998). Кейинчалик, 2001 йилда Наманган вилоятида Гаффоров томонидан олиб борилган илмий ишларида иккинчи бор *Puccinia xanthii* турининг *X. strumarium* учрашини аниқланган, ҳамда ушбу занг замбуруғ турининг Республика миқёсида кенг тарқалиб бораётганини таъкидлаган (Gafforov ва бошқ. 2016).

Республикаимиз ҳудудидаги *Xanthium* туркум турларида тарқалган замбуруғ намуналари манба бўлиб хизмат қилди. ЎЗР ФА Ботаника институтининг Микология лабораториясида таҳлил қилиш учун вилоятлардан замбуруғлар билан касалланган инвазив *Xanthium strumarium* ўсимлиги намуналари йиғиб келинди. Занг замбуруғининг микроскопик белгиларини ўрганиш Motic N-330M ёруғлик микроскопида амалга оширилди.

Илмий изланишлар мобайнида *Puccinia xanthii* турининг *Xanthium* турларида тарқалиши ўрганилди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида бу занг замбуруғи *Xanthium strumarium* ва *Xanthium* sp. ўсимликларида учраши аниқланди (расм). Ушбу занг замбуруғи Республикаимизнинг Тошкент, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида тарқалиши аниқланди. Айниқса, *Xanthium* sp. турида кўп учраши кузатилди. Ҳозирги кунда ушбу *Xanthium* sp. ни тур таркибини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда *Puccinia xanthii* тури Хитой, Австралия, Словакия, Испания, Италия, АҚШ, Жанубий Африка, Франция ҳамда бошқа мамлакатларда тарқалган. Шунингдек, Хитойда, *Puccinia xanthii* замбуруғи *Xanthium strumarium* дан ташқари *X. orientale* L. ўсимлигида тарқалишини қайд этишган (Zhao, 2014).



Расм: *Xanthium* ўсимлигида тарқалган *Puccinia xanthii* тури. А) Ўсимлик баргида тарқалган занг замбуруғлари. В) Телиоспоралари ёки қишки споралари.

Puccinia xanthii турининг морфологик тавсифи.

Puccinia xanthii Schw. ўсимлик баргларининг пастки қисмида, жигарранг ёки сариқ рангли доғлар ҳосил қилади. Замбуруғлар ўсимлик танасида гуруҳ бўлиб ёки, тарқоқ айлана шаклида жойлашади. Кузга бориб барг устидаги доғлар тўқ жигарранг бўлади. Замбуруғ телеитоспоралари чўзинчоқ бўлиб, 35-56×15-21 мкм катталиқда бўлади. Телеитоспораларининг пастки қисми чўзилган ёки юмалоқ бўлиб, спорабандлари ториб боради. Қобиғи сариқ-жигарранг, 1-1,5 мкм қалинлиқда, юқори қисми эса силлиқ бўлиб, 5-8 мкм қалинлиқда, баъзан унинг қалинлиги 12-15 мкм гача боиши мумкин (Ульянищев, 1978).

